

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.Ҳ. Аюбжонов, Б.Х. Маматқулов,  
С.Н. Сайфуллаев

**«СТАТИСТИКА» ФАНИДАН АМАЛИЙ  
МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИШ УЧУН  
ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА**


ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**А.Ҳ. Аюбжонов, Б.Х. Маматкулов,  
С.Н. Сайфуллаев**

**«СТАТИСТИКА» ФАНИДАН АМАЛИЙ  
МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИШ УЧУН ЎҚУВ  
ҚЎЛЛАНМА**



**ТОШКЕНТ – 2012**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**А.Х. Аюбжонов, Б.Х. Маматқулов,  
С.Н. Сайфуллаев**

**«СТАТИСТИКА» ФАНИДАН АМАЛИЙ  
МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИШ УЧУН ЎҚУВ  
ҚЎЛЛАНМА**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юр்தлараро  
ишмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 2012 йил  
14 март 107-сонли буйруқ асосида берилган 107-148 гувоҳнома асосида олий ўқув  
юр்தларининг иқтисодий таълим йўналишлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида  
тавсия этилган*

**ТОШКЕНТ – ИҚТИСОДИЁТ – 2012**

УДК: 31(07)  
ББК: 60.61(07)

**Аюбжонов А.Х., Мияматкулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н. «Статистика» фанидан амалий машгулотлар ўтказиш учун ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 186 б.**

Муаллифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган «Статистика» курси ўқув дастури асосида ушбу ўқув қўлланмани тайёрладилар.

Ушбу қўлланмада ўқув дастурининг барча мавзуларига доир мисол ва масалалар ўз ифодасини топган.

Қўлланма иқтисодий мутахассисликлар бўйича таълим берувчи олий ўқув юртлари ва факультетларда «Статистика» фанидан амалий машгулотларни олиб бориш учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир иқтисод фанлари доктори, профессор Х. Набиев**

**Тақризчилар: Ё.А. Абдуллаев -и.ф.д.,проф. ТМИ «Статистика» кафедраси  
Н.М. Соатов – и.ф.д.,проф. ТДИУ «Статистика» кафедраси**

*ТДИУ «Ахборот технологиялари ва статистика» факультети илмий кенгаши ва «Статистика» кафедраси мажлиси томонидан нашрга тавсия этилди.*

**ISBN 978-9943-4020-2-7**

УДК: 31(07)  
ББК: 60.61(07)

© «Иқтисодиёт», 2012.

## КИРИШ

Юкори малакали мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш билан бирга олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу авваломбор олий таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартларида кўзланган фанларнинг мазмуни ва ўқув дастурларини халқаро андозаларга мослаштириб, янада такомиллаштиришни ҳозирги куннинг долзарб вазифаси этиб қўймоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: – “Ўтган йили sanoat ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди”<sup>1</sup>.

Миллий макроиктисодий кўрсаткичларни халқаро меъёрларга мослаштириш, молиявий корхона, муассасалар тўғрисида, халқаро иқтисодий алоқаларда экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулот ва хизматлар тўғрисида кўпроқ маълумотларга эга бўлиш мақсадида давлат статистика ва ҳисобот тизимининг умумуслubbий асосларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни жаҳон амалиётида қабул қилинган қонун-қондаларга мослаштириш борасида мамлакатимиз ҳукумати томонидан бир қанча қарор ва қонунлар қабул қилинди. Уларни олий таълимнинг иқтисодий йўналишлари бўйича таҳсил олувчи талабалар онгига сингдириш ҳозирги кунда энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада статистика фанларининг ўрни ва аҳамияти ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Шу нуқтаи назардан ушбу тақдим этилаётган “Статистика” фанидан тайёрланган амалий машгулотлар ўтказиш учун ўқув қўлланма малакали иқтисодчи кадрларни тайёрлашда мавжуд бўлган “бўшлиқни” тўлдиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ўқув қўлланма “Статистика” фани ўқув дастури асосида ёзилган бўлиб, жами 20 та мавзунини ўз ичига қамраб олган: “Статистика фанининг предмети ва услubbий”, “Статистик кузатиш услubbийати”, “Статистик жамлаш ва гуруҳлаш”, “Статистик жадал ва графиклар”, “Статистик кўрсаткичлар”, “Ўртача миқдорлар”, “Вариация кўрсаткичлари”, “Танланма кузатиш”, “Регрессион ва корреляцион таҳлил”, “Динамикани статистик ўрганиш усуллари”, “Иқтисодий индекслар”, “Ўзбекистон миллий ҳисоблар тизими – иқтисодий статистиканинг услubbий негизи”, “Аҳоли статистикаси”, “Меҳнат бозори статистикаси”, “Миллий бойлик статистикаси”, “Ялпи ички маҳсулот статистикаси”, “Миллий даромад ва миллий ҳисоблар тизимидаги бошқа даромад кўрсаткичлари”, “Ташқи иқтисодий фаволят статистикаси”, “Молия-кредит тизими статистикаси”, “Аҳоли турмуш даражаси статистикаси”.

Ҳар бир мавзу қисқача услubbий кўрсатмалар, масалалар, мустиқил ишлаш учун саволлар ҳамда масалаларнинг жавоблари қисмларидан иборат. Бу эса, “Статистика” фанининг талабалар томонидан чуқур ва кенг қамровли эгаллаб олинишига имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тарвакёлини янги босқичга кўтаришдаги йил бўлади. // Халқ сўзи 2012 йил 20 январь.

Қисқача услубий кўрсатмалар қисмида ҳар бир мавзу бўйича 2-3 та намунавий масала ечиб, таҳиялар қандай ташкил қилиниши аниқ тарзда кўрсатилган. Ҳар бир мавзу бўйича масалалар келтирилган бўлиб, улардан амалий машгулотларда ёки уй вазифаси сифатида фойдаланиш мумкин. Фикримизча, ушбу масалаларни ечиб ўрганиш натижасида талабаларда "Статистика" фани бўйича олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш имконияти янада кенгайди.

## 1-маъзу. “СТАТИСТИКА” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИ

### 1. Қисқачча методик кўрсатмалар

Жамият ҳаёти, турмуши ҳақидаги маълумотларга амалий эҳтиёж статистикани яратди. Маълумотларда ифодаланган тартиб-қондаларни англаш иштиёқи, тушунтириш йўлларини топиш зарурати статистикани фан соҳасига айлантирди. Статистика латинча “status” - аҳвол, ҳолат сўзи билан италянча “state” - давлат сўзидан келиб чикиб, давлат аҳволи ҳақидаги фан ҳисобланади. Дастлаб давлатшунослик фани статистика деб аталди. Ҳозирги замон статистикаси давлатшуносликдан ахборотларнинг тўлалиги, турли-туманлиги ва характери билан тубдан фарқ қилади. Статистика фан тармоғи, амалий фаолият соҳаси, билим йўналиши, билиш кулолидир. Тасвирий статистика маълумотлар тўплаш, таснифлаш, умумлаштириш ва талқин этиш йўлларидир.

Статистиканинг ўрганиш объекти оммавий ҳодиса ва жараёнлардир. Оммавий ҳодисанинг умумий таърифи: бирор объектлар тўпламида ёки мураккаб объект элементлари мажмуасида юзага чиққан воқеа ҳисобланади. Оммавий жараён умумий таърифи: объектлар тўпламида ёки мураккаб объектда содир бўлган воқеалар оқими, уларнинг ривожланиши ҳисобланади. Оммавий ҳодиса ва жараённинг биринчи муҳим белгиси - унда бир қанча объектлар иштирок этиб, улар ўхшашлик аломатига эга эканлигидан иборат. Оммавий ҳодиса ва жараённинг иккинчи хоссаси - айрим тўплам объектлари, элементлари ўзига хослик аломатига эга бўлиб, мустақил, эркин тарзда амал қилишидан иборат.

Оммавий ҳодиса ва жараённинг учинчи хоссаси - тўплам бирор объекти ҳақидаги тафсилларни унинг барча бошқа объектларининг тафсилларидан аниқлаб бўлмаслигидан иборат. Ниҳоят, оммавий ҳодиса ва жараённинг тўртинчи энг муҳим белгиси - унда маълум қонуният юзага чиқиши, аммо у яққа ҳодисада намоён бўлмаслигидан иборат. Оммавий ҳодисанинг аниқ таърифи ҳар қандай ҳодисалар йиғиндиси бўлмасдан, уларнинг шундай тўпламики, унда статистик қонуниятлар намоён бўлади, аммо яққа ҳодисада улар юзага чиқмайди. Статистика услубияти оммавий ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш, унда намоён бўлувчи қонуниятларни ойдинлаштиришда ишлатиладиган ўзига хос услуб, яъни статистика фани ва амалиётида қўлланадиган йўллар, усуллар, воситалар мажмуасидир. Статистик тадқиқот яққита босқич ва бир неча фазалардан ташкил топади ҳамда уларда ўзига хос усуллар қўлланади. Оммавий ҳодисаларни ўрганишда математика усуллари ҳам қўлланилади.

### 2. Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Статистика тўғрисида умумий тушунча.
2. Статистика фани предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Статистика фани асосий категориялари ва тушунчалари.
4. Статистика фани услубияти.
5. Бозор иқтисодиёти шароитида статистиканинг тутган ўрни ва аҳамияти.

## 2-мавзу. СТАТИСТИК КУЗАТИШ УСЛУБИЯТИ

### 1. Қисқача методик кўрсатмалар

**Статистик кузатиш** – статистик изланишнинг биринчи босқичи. Статистик кузатиш жараёнида ўрганилиши лозим бўлган тўплам тўғрисида зарур маълумотлар йиғилди. Демак, статистик кузатиш деганда ўрганилиши лозим бўлган оммавий ижтимоий - иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш учун улар тўғрисида бирламчи маълумотларни режалаштирилган, илмий асосланган усуллар ёрдамида мунтазам равишда тўплаш жараёни тушунилади.

Статистик кузатиш икки шаклда олиб борилади ҳисобот ва махсус уюштирилган текширишлар.

Статистик кузатиш аниқ режа асосида олиб борилади. Кузатиш режаси дастурий ва ташкилий масалаларни ўз таркибига олади. Кузатиш режасидаги энг асосий масала - кузатиш дастури. Уни тузишда изланишнинг мақсад ва вазибалари эътиборга олинishi лозим. Кузатиш дастури: кузатиш объекти, бирлиги, белгилар ва саволлар кетма-кетлигини аниқлаб беради.

Кузатишнинг ташкилий масалаларига кузатиш бирлигини аниқлаш, кузатиш вақти, муддати, шакли ва турларини аниқлаш, маълумотларни қайд этиш усуллари киради.

Кузатиш натижасида олинган маълумотлар аниқ ва ҳаққоний бўлиши керак. Шу сабабли бирламчи маълумот унга ишлов беришдан олдин арифметик ва мантиқий назоратдан ўтказилади.

### 2. Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Статистик кузатиш нима?
2. Кузатишнинг ташкилий шакллари.
3. Кузатиш турлари.
4. Кузатиш усуллари.
5. Кузатиш объекти ва бирлиги.
6. Кузатиш дастури ва режаси.
7. Кузатишнинг ташкилий масалалари.
8. Кузатиш мақсади ва вазибалари.
9. Кузатиш формуляри, анкетаси.
10. Кузатиш маълумотларини текшириш.

### 3. Масалалар

**2.1-масала.** Олий ўқув юрти талабаларининг ўзлаштиришини ўрганиш мақсадида:

1) бакалавр 1-курс талабаларининг 1-семистри натижалари бўйича;  
2) бакалавр 2-курс талабаларининг мустақил тайёргарликка сарфлаган вақтларини;

3) магистратура 1-курс талабаларининг 1-семистри натижалари бўйича кузатиш объектини, бирлигини аниқланг ва кузатиш дастурини тузинг.

**2.2-масала.** Давлат имтиҳонлари натижалари бакалавр ва магистратура талабаларининг жорий ўзлаштириши ўртасидаги боғланишни ўрганиш мақсадида кузатиш объектини, бирлигини аниқланг, кузатиш дастурини тузинг.

2.3-масала. Саноат корхонаси, фермерлик хўжалиги, савдо корхонаси, оила ҳамда алоҳида шахси тўплам бирлиги сифатида ифодаловчи муҳим саволлар рўйхатини аниқланг.

2.4-масала. Талабалар дам олиши ва ўқишини яхшироқ ташкил қилиш мақсадида талабаларнинг вақт бюджетини ўрганиш дастурини тузинг.

2.5-масала. Саноат корхоналари рўйхатини, савдо корхоналари рўйхатини ва мактаблар рўйхатини ифодалаш мақсадида статистик кузатиш режасини тузинг, кузатиш бирлиги, объекти, мақсади ҳамда вазифаларини аниқланг, формуляри ва унинг йўриқномасини, дастурини тузинг.

2.6-масала. Аҳолининг турмуш даражасини ўрганиш мақсадида оилаларда статистик кузатиш ўтказиш учун унинг дастури, режаси лойиҳаси, ҳамда гўлдирлиши лозим бўлган статистик жадваллар макетларини тузинг.

2.7-масала. Учта кичик корхонадаги тайёр маҳсулот ва ярим фабрикатлар қиймати тўғрисида жорий йил учун қуйидаги маълумотлар берилган ( млн. сўм).

Корхона	Тайёр маҳсулот қиймати	Яримфабрикатлар қиймати	Жами
1	450	110	560
2	520	90	610
3	700	160	860
Жами:	1570	360	1930

Маълумотларни арифметик назорат йўли билан текширинг ва ўзгартиришлар киритинг.

2.8-масала. Жорий йил учун корхонадаги ходимлар сони тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган (киши):

	Ходимлар категориялари	Ходимларнинг ўртача йиллик сони		
		Цех №1	Цех №2	Цех №3
1.	Ишчилар	320	375	695
2.	Шогирдлар	30	25	50
3.	Инженер-техник ходимлар	35	37	67
4.	Хизматчилар	17	14	32
5.	Кичик хизмат кўрсатиш ходимлари	6	6	12
6.	Ўт ўчирувчилар ва қоровуллар	5	5	10
	Жами:	413	460	873

Маълумотларни арифметика нуқтан назаридан текширинг ва ўзгартиришлар киритинг.

2.9-масала. Мантиқий назорат йўли билан ёппасига кузатиш маълумотларини рўйхат ўтказиш варақасига ёзишда йўл қўйилган хатоликлар аниқлансин:

- |                 |                  |
|-----------------|------------------|
| 1. Исми, насаби | - Абдуллаев Б.И. |
| 2. Жинси        | - Эркак          |
| 3. Ёши          | - 5 ёш           |
| 4. Никоҳдами    | - Ҳа             |
| 5. Миллати      | - Ўзбек          |

6. Маълумоти - Бошлангич маълумотга эга эмас

7. Даромадлари манбаи - Стипендия.

2.10-масала. Аҳоли рўйхати ўтказилиши натижасида саволларга олинган жавоблар ва анкетада қайд этилган қуйидаги маълумотларни мантиқий текширувдан ўтказинг (рўйхат 12<sup>00</sup> - 01.01.2010 й.да ўтказилди):

- |                       |                                     |
|-----------------------|-------------------------------------|
| 1. Иسمи, насаби       | - Каримов А.С.                      |
| 2. Жинси              | - Эркак                             |
| 3. Ёши                | - 54 ёш, 1956 йил февралда туғилган |
| 4. Никоҳдами          | - Йуқ                               |
| 5. Миллати            | - Ўзбек                             |
| 6. Она тили           | - Ўзбек                             |
| 7. Маълумоти          | - Олий                              |
| 8. Даромадлари манбаи | - Корхонадаги иши                   |
| 9. Иш жойи            | - Автохўжалик                       |
| 10. Касби             | - Бош бухгалтер                     |
| 11. Ижтимоий гуруҳи   | - Ишчи                              |

### 3-маъзу. СТАТИСТИК ЖАМЛАШ ВА ГУРУХЛАШ

#### 1. Қисқача методик кўрсатмалар

Статистик изланишнинг биринчи босқичи - статистик кузатишда объект хақида маълумотлар тўпланади. Бу тўпланган маълумотлар кузатиш бирликларини ифодалаб, кузатиш объекти тўғрисида тушунча бермайди.

Навбатдаги вазифа олинган маълумотларни умумлаштириш, маълум тартибга солиш билан улар асосида бутун статистик тўпланиш ва уни ташкил этувчи қисмларини ифодалашдан иборатдир. Бу ишлар статистик изланишнинг иккинчи босқичи статистик жамлаш жараёнида амалга оширилади.

Статистик жамлаш тор ва кенг маънога эга. Агар тўпланишнинг умумий кўрсаткичларигина аниқланса, тор маънодаги жамлаш, жадваллар ва гуруҳлар тузиб, ўрганилаётган ҳодисаларнинг хусусияти ва қонуниятлари тўлиқ ўрганилса, кенг маънодаги жамлаш дейилади.

Гуруҳлаш жамлашнинг илмий асоси ҳисобланади. Тўпланган бирламчи статистик маълумотлар муҳим белгилар асосида гуруҳлаб ўрганилмаса, текширилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг ички боғланишлари ҳамда қонуниятлари тўлиқ очилмай қолаверади.

Статистик гуруҳлаш деганда, ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни, уларнинг муҳим белгилари асосида бир турдаги гуруҳларга ажратиш тушунилади.

Гуруҳлашни тўғри ва илмий асосда ташкил этиш кўп жиҳатдан гуруҳлаш белгиларини қандай танлаб олишга боғлиқ.

Белгилар, статистик изланишнинг мақсади ва вазифалари нуқтан назаридан муҳим ва муҳим бўлмаган, ифодаланишга кўра эса миқдорий ва атрибутив белгиларга бўлинади.

Гуруҳлашни амалга оширишда қуйидаги ишлар кетма-кетлигига амал қилиш зарур:

1. Гуруҳлаш белгисини аниқлаш.
2. Гуруҳлар сонини аниқлаш.
3. Гуруҳлар интервал узунлигини ҳисоблаш:

$$i \uparrow (X_{\max} - X_{\min}) / k$$

4. Гуруҳларнинг қуйи ва юқори чегараларини аниқлаш.
5. Ишчи жадвалларни тузиш.
6. Гуруҳлаш белгисига баҳо берувчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш.
7. Яқуний жадвални тузиш.
8. Яқуний жадвални иқтисодий таҳлил қилиш.

Масала. Саноат тармоқларидан бирига қарашли 20 та заводнинг иш фаолияти тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган. Ушбу маълумотларга асосланиб, асосий ишлаб чиқариш фондлари билан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғланишни ўрганиш вазифаси мақсад қилиб қўйилган.

Заводлар тартиб рақами	Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати (млн. дол)	Ўртача рўйхатдаги ишчилар сони (киши)	Жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот (млн. дол.)
1	7,0	380	9,6
2	2,0	220	1,5
3	3,9	460	4,2
4	3,3	395	6,4
5	2,8	280	2,8
6	6,5	580	9,4
7	6,6	200	11,9
8	2,0	270	2,5
9	4,7	340	3,5
10	2,7	200	2,3
11	3,0	310	1,4
12	3,1	635	2,5
13	3,1	310	3,6
14	5,6	450	8,0
15	3,5	300	2,5
16	4,0	350	2,8
17	1,0	330	1,6
18	7,0	260	12,9
19	4,5	435	5,6
20	4,5	505	4,4

Дастлаб, гуруҳлаш белгисини танлаб оламиз. Гуруҳлаш белгиси сифатида асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматини оламиз. Бу белги асосида тенг интервалли гуруҳларни тузамиз. Агар гуруҳлар сонини 4 та деб олсак, у ҳолда интервал узунлиги  $i = 1,5$  млн. долларга тенг бўлади:

$$i = \frac{(X_{\max} - X_{\min})}{k} = \frac{(7,0 - 1,0)}{4} = 1,5 \text{ млн. дол}$$

Энди гуруҳларнинг қуйи ва юқори чегараларини аниқлаймиз:

I гуруҳ  $X_{\min} - X_{\min+i}$

II гуруҳ  $X_{\min+i} - X_{\min+2i}$

III гуруҳ  $X_{\min+(k-1)i} - X_{\min+ki}$

Қийматларни ўрнига қўйсак:

I гуруҳ 1,0 – 2,5

II гуруҳ 2,5 – 4,0

III гуруҳ 4,0 – 5,5

IV гуруҳ 5,5 – 7,0

Энди ишчи жадвалларни тузамиз:

Гуруҳлар	Заводлар тартиб №	Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати (млн.дол.)	Рўйхатдаги ўртача ишчилар сони (киши)	Жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот (млн.дол.)
I гуруҳ 1.0 - 2.5	2	2,0	220	1,5
	8	2,0	270	2,5
	17	1,0	330	1,6
<b>Жами:</b>	<b>3</b>	<b>5,0</b>	<b>820</b>	<b>5,6</b>
II гуруҳ 2.5 - 4.0	3	3,9	460	4,2
	4	3,3	395	6,4
	5	2,8	280	2,8
	10	2,7	200	2,3
	11	3,0	310	1,4
	12	3,1	635	2,5
	13	3,1	310	3,6
15	3,5	300	2,5	
<b>Жами:</b>	<b>8</b>	<b>25,4</b>	<b>2890</b>	<b>25,7</b>
III гуруҳ 4.0 - 5.5	9	4,7	340	3,5
	16	4,0	350	2,8
	19	4,5	435	5,6
	20	4,9	505	4,4
<b>Жами:</b>	<b>4</b>	<b>18,1</b>	<b>1630</b>	<b>16,3</b>
IV гуруҳ 5.5 - 7.0	1	7,0	380	9,6
	6	6,5	580	9,4
	7	6,6	200	11,9
	14	5,6	450	8,0
	18	7,0	260	12,9
<b>Жами:</b>	<b>5</b>	<b>32,7</b>	<b>1870</b>	<b>51,8</b>

Энди ишчи жадвалларга асосланиб, якуний жадвални тузамиз:

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати бўйича гуруҳлар (млн.дол.)	Заводлар сони	Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати (млн.дол.)		Ишлаб чиқарилган маҳсулот (млн.дол.)		Ишчилар сони (киши)	Бир ишчига тўғри келувчи маҳсулот қиймати (дол.)	Фондлар қайтими (дол.)
		Жами	Бир заводга тўғри келган	Жами	Бир заводга тўғри келган			
1	2	3	4=3/2	5	6=5/2	7	8=5/7	9=5/3
I 1.0-2.5	3	5.0	1,67	5,6	1,87	820	6829,3	1,87
II 2.5-4.0	8	25,4	3,18	25,7	3,21	2890	8892,7	1,01
III 4.0-5,5	4	18,1	4,53	16,3	4,08	1630	10000,0	0,90
IV 5.5-7.0	5	32,7	6,54	51,8	10,36	1870	27700,5	1,58
<b>Ҳаммаси</b>	<b>20</b>	<b>81,2</b>	<b>4,06</b>	<b>99,4</b>	<b>4,97</b>	<b>7210</b>	<b>13786,4</b>	<b>1,22</b>

Якуний жадвал маълумотларини таҳлил қилиб кўрсак, асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати билан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўртасида тўғри боғланиш мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Дарҳақиқат, жадвалдан кўриниб турибдики, асосий фондлар қиймати ортиб бориши билан (I гуруҳ 1.0 - 2.5 млн.дол. дан IV гуруҳ 5.5 дан -7.0 млн.дол. гача) бир заводга ва ишчига тўғри келадиган маҳсулот қиймати ҳам муттасил равишда ошиб бормоқда (мос равишда: 1,87: 3,21: 4,08: 10,36 ва 6829,3: 8892,7: 10000: 27700.5 дол.)

## 2. Муस्ताқил ишлаш учун саволлар

1. Статистик жамлаш нима?
2. Жамлаш турлари.
3. Гуруҳлаш деганда нима тушунасиз?
4. Гуруҳлашнинг вазифа ва турлари.
5. Гуруҳлаш белгиси ҳақида нималарни биласиз?
6. Гуруҳлаш интервали.
7. Гуруҳлаш босқичлари.
8. Иккиламчи гуруҳлаш.
9. Атрибутив ва миқдорий белгилар бўйича гуруҳлаш.

## 3. Масалалар

3.1-масъала. Жорий даврда бир тармоқдаги 23 та заводнинг ишлаб чиқариш фаолияти куйидагилар билан ифодаланади.

Заводлар тартиб рақими	Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати (млн.сўм)	Ишчиларнинг ўртача йиллик сон, киши	Ишлаб чиқарилган маҳсулот (млн.сўм.)
1	2	3	4
1	120	339	360
2	230	269	290
3	450	435	560
4	490	505	540
5	280	283	280
6	650	581	940
7	160	200	190
8	200	274	250
9	470	341	350
10	170	201	230
11	300	360	320
12	720	381	860
13	200	227	150
14	250	267	320
15	390	468	420
16	530	395	340
17	330	253	130
18	300	312	340
19	710	411	200
20	310	235	250
21	350	406	490
22	310	311	360
23	560	450	600

Юқорида берилган маълумотлар асосида заводларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ўртача йиллик қиймати ва ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ўртасидаги ўзаро боғланишни ўрганиш мақсадида асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича 5 та гуруҳ тузинг. Ҳар бир гуруҳ учун: 1) заводлар сони; 2) ишчиларнинг ўртача йиллик сони; 3) асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати (жами ва бир заводга нисбатан); 4) ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати (жами ва бир заводга нисбатан); 5) бир ишчига тўғри келган маҳсулот қийматларини ҳисобланг.

Гуруҳлаш натижаларини якуний жадвалда ифодалаб - тегишли хулосалар қилинг.

3.2-масала. 2.1 - масала маълумотларидан фойдаланиб, бир заводга ва бир ишчига нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан заводлардаги ишчилар сони ўртасидаги боғланишни кўрсатинг. Тенг ораликқа эга 4 та гуруҳ тузинг. Хулосалар қилинг.

3.3-масала. 2.1-масала маълумотларидан фойдаланиб, корхонадаги меҳнат унумдорлиги даражаси билан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғланишни ўрганинг. Маҳсулот ҳажми бўйича 4 та гуруҳ тузинг.

3.4-масала. Ишбай иш ҳақи олувчи ишчиларнинг иш стажси ва иш ҳақи тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Ишчининг тартиб рақами	Иш стажси, йил	Ойлик иш ҳақи, сўм	Ишчининг тартиб рақами	Иш стажси, йил	Ойлик иш ҳақи, сўм
1	2	3	1'	2	3
1	1,0	345000	13	10,5	348800
2	6,5	346200	14	1,0	345500
3	9,2	349500	15	9,0	348700
4	4,5	346400	16	5,0	348200
5	6,0	347000	17	6,0	346500
6	2,5	345200	18	6,0	349000
7	2,7	346200	19	10,2	347800
8	16,0	341800	20	5,0	347500
9	13,2	340400	21	5,4	348500
10	14,0	341000	22	8,0	349000
11	11,0	350000	23	8,5	349800
12	12,0	349600			

Ойлик иш ҳақи ва иш стажси ўртасидаги ўзаро боғланишни ўрганиш мақсадида ишбай иш ҳақи олувчи ишчиларни иш стажси бўйича тенг ораликқа эга бўлган 5 та гуруҳга ажратинг.

Ҳар бир гуруҳ бўйича ҳисобланг:

- ишчилар сонини;
- ўртача иш стажсини;
- ўртача ойлик иш ҳақини.

Натижаларни гуруҳ жадвалида акс эттиринг ва уларни таҳлил қилинг.

**3.5-масала.** Жорий йил учун бир тармоқдаги 30 та кичик корхона бўйича асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати ва ишлаб чиқарилган маҳсулот тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган. млн. сўм:

Корхона тартиб рақами	Асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, млн. сўм	Маҳсулот ишлаб чиқариш, млн. сўм	Корхона тартиб рақами	Асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, млн. сўм	Маҳсулот ишлаб чиқариш, млн. сўм
1	2	3	1	2	3
1	10,2	9,7	16	14,6	14,0
2	12,8	12,5	17	16,2	14,4
3	15,7	16,1	18	14,9	14,5
4	15,1	14,8	19	15,5	17,1
5	17,6	16,5	20	18,4	17,8
6	19,3	21,9	21	16,5	21,2
7	13,0	14,7	22	11,3	10,6
8	10,0	8,3	23	19,5	25,7
9	10,9	9,4	24	13,9	13,0
10	13,5	12,2	25	17,8	18,5
11	17,0	19,6	26	16,9	15,5
12	20,0	19,0	27	15,5	15,2
13	12,1	12,0	28	14,4	14,1
14	12,7	12,4	29	14,2	14,9
15	14,2	17,0	30	16,3	22,3

1. Тенг ораликқа эга бўлган 5 гуруҳни, корхоналарнинг ўртача йиллик асосий фондлари қиймати бўйича статистик тақсимот каторини тузиб, ташкил этинг.

2. Ўртача йиллик асосий фондлар қиймати ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ўртасидаги боғланишни ўрганиш мақсадида асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати бўйича гуруҳлашни амалга оширинг (тенг ораликқа эга бўлган 5 гуруҳни ташкил қилиб).

Ҳар бир гуруҳ бўйича аниқланг:

- корхоналар сонини;
- асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматини - жами ва бир корхонага нисбатан;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматини - жами ва бир корхонага нисбатан;
- фондлар қайғимини (фондоотдачани)

Натижаларни гуруҳ жадвали кўринишида ифодаланг, гуруҳ турини кўрсатинг.

**3.6-масала.** 2.5-масала маълумотларидан фойдаланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва асосий фондлар қиймати ўртасидаги ўзаро боғланишни ўрганинг. Бунинг учун маҳсулот ҳажми бўйича тенг ораликқа эга 4 ёки 5 та гуруҳ ташкил қилинг. Натижаларни гуруҳ жадвали кўринишида ифодаланг.

3.7-масала. Жорий давр учун савдо дўконлари бўйича қуйидаги маълумотлар берилган.

Дўконнинг тартиб рақами	Савдо ҳажми (товарайланма) млн.сўм	Муомала харажатлари, млн.сўм	Дўконнинг тартиб рақами	Савдо ҳажми (товарайланма) млн.сўм	Муомала харажатлари, млн.сўм
1	2	3	1	2	3
1	808	34,3	12	318	16,0
2	706	25,4	13	324	10,9
3	663	32,2	14	301	9,3
4	854	31,1	15	352	12,1
5	882	37,4	16	406	17,1
6	916	38,6	17	602	28,3
7	563	24,2	18	748	31,0
8	256	9,0	19	980	37,0
9	940	35,4	20	641	21,3
10	965	37,8	21	452	20,1
11	544	16,1	22	240	16,1

Савдо ҳажми ва муомала харажатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни ўрганиш мақсадида дўконларни савдо ҳажми бўйича тенг ораликка эга бўлган 4 гуруҳга ажратинг.

Ҳар бир гуруҳ бўйича ҳисобланг:

- дўконлар сонини;
- савдо ҳажмини - жами ва ўртача бир дўконга нисбатан;
- муомала харажатлари - жами ва ўртача бир дўконга нисбатан;

Натижаларни гуруҳ жадвали кўринишида ифодаланг. Жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилинг.

3.8-масала. 3.7-масала маълумотлари асосида муомала харажатлари ва савдо ҳажми ўртасидаги боғлиқлиқни ўрганиш мақсадида дўконларни муомала харажатлари бўйича тенг ораликка эга 5 гуруҳга ажратинг. Натижаларни яқуний жадвал кўринишида ифодаланг. Хулосалар қилинг.

3.9-масала. Жорий йил учун шаҳардаги бир гуруҳ юк ташиш билан шуғулланувчи автокорхоналар бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Корхона тартиб рақами	Юк айланмаси, млн. т/км	Жами ташиш харажатлари, млн. сўм	Корхона тартиб рақами	Юк айланмаси, млн. т/км	Жами ташиш харажатлари, млн. сўм
1	2	3	1	2	3
1	62	1550	9	47	1245
2	40	1080	10	24	724
3	38	1033	11	18	579
4	25	750	12	58	1444
5	15	472	13	44	1145
6	30	840	14	23	699
7	52	1310	15	32	889
8	27	804	16	20	612

Юк ташувчи автокорхоналарни юк айланма миқдори бўйича гуруҳларга ажратиш талаб қилинади. Бунда қуйидаги гуруҳларни ташкил қилинг: 20 млн. км гача, 20-40; ва 40 млн. ткм ва ундан юқори.

Ҳар бир корхона бўйича аниқланг: корхоналар сонини, умумий юк айланмани, ташинишга қилинган умумий харажатларини ва 10 кмга ўртача харажатлар миқдорини. Масала ечимини жадвал кўринишида ифодаланг. Хулосалар қилинг.

3.10-масала. Вилоятдаги бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар йиллик ҳисоботи бўйича қуйидаги маълумотлар олинган:

Корхона тартиб рақами	Маҳсулот ҳажми, млн. сўм	Ўртача йиллик асосий воситалар қиймати, млн.сўм	Ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, киши	Корхона тартиб рақами	Маҳсулот ҳажми, млн. сўм	Ўртача йиллик асосий воситалар қиймати, млн.сўм	Ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, киши
1	2	3	4	1	2	3	4
1	134,4	7,2	700	11	586	21	1425
2	264	11,6	1100	12	338	14	1208
3	372	15,6	1285	13	480	19	1400
4	145	7,6	705	14	240	11	900
5	427	16	1300	15	362	14,8	1300
6	585	22	1450	16	603	23	1480
7	170	8,4	800	17	375	15,6	1295
8	464	18,8	1380	18	216	10	895
9	180	9,2	825	19	572	19,8	1440
10	308	13,2	1210	20	277	12,4	1180

Корхоналарни: 10 млн.сўм гача, 10-15 млн. сўм, 15-20 млн. сўм, 20 млн. сўм ва ундан юқори бўлган гуруҳларга ажратинг. Ҳар бир гуруҳ бўйича корхоналар сонини, маҳсулот миқдорини, ўртача ходимлар сонини ва фондлар қийматини аниқланг. Хулосалар қилинг.

3.11-масала. 3.12-масала маълумотлари асосида сановат корхоналарини маҳсулот ҳажми бўйича 3 та тенг оралиққа эга бўлган гуруҳга ажратинг. Ҳар бир гуруҳ бўйича корхоналар сонини, маҳсулот миқдорини, ўртача ходимлар сонини ва фондлар қийматини аниқланг. Хулосалар қилинг.

3.12-масала. Август ойи учун қурилиш ташкилотининг айрим бригадалари бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Кўрсаткичлар	Бригадалар							
	1	2	3	4	5	6	7	8
Иш ҳажми, млн. сўм	409,6	648	670	504	734,4	886,4	360	952
Ишчилар сони, киши	16	24	25	21	27	32	15	34

Аниқланг: Иш ҳажмининг ишчилар сонига боғлиқлигини ўрнатинг мақсадида, қурувчилар бригадасини ишчилар сони бўйича 3 та тенг оралиққа эга бўлган гуруҳга ажратинг. Гуруҳ жадвалини тузинг. Хулосалар қилинг.

3.13-масала. Жорий йил учун бир гуруҳ сановат корхоналари бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Корхоналар тартиб рақами	Маҳсулот ҳажми, млн.сўм	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	Ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони, киши
1	197,7	10	900
2	592	22,8	1500
3	465,5	18,4	1412
4	296,2	12,6	1200
5	584,1	22	1485
6	480	19	1420
7	578,5	21,6	1390
8	204,7	9,4	817
9	466,8	19,4	1375
10	292,2	13,6	1200
11	423,1	17,6	1365
12	192,6	8,8	850
13	360,5	14	1290
14	208,3	10,2	900

Корхоналарни маҳсулот ҳажми бўйича қуйидаги интервалларга ажратинг: 1) 200 млн. сўмгача; 2) 200-400 млн.сўм; 3) 400-600 млн. сўм. Ҳар бир гуруҳ ва барча корхоналар бўйича корхоналар сонини, маҳсулот ҳажмини, ўртача ходимлар сонини, бир ходимга нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини. Гуруҳлаш натижаларини статистик жадвал кўринишида баён этинг. Хулосалар чиқаринг.

3.14-масала. 3.13-масала маълумотлари асосида корхоналарни асосий воситалар бўйича гуруҳланг. Гуруҳлашни қуйидаги интерваллар бўйича амалга оширинг: 1) 12 млн. сўмгача; 2) 12-18 млн.сўм; 3) 18 млн. сўм ва ундан юқори. Ҳар бир гуруҳ ва жами корхоналар бўйича аниқланг: корхоналар сонини, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматини, маҳсулот ҳажми ва фондлар қайтимини. Натижаларни жадвал кўринишида ифодалаб, хулосалар қилинг.

3.15-масала. 3.13-масала маълумотлари асосида корхоналарни ходимлар сони бўйича қуйидаги интервалларга ажратинг: 1) 1000 кишигача; 2) 1000-1300 киши; 3) 1300 киши ва ундан ортиқ. Ҳар бир гуруҳ ва жами корхоналар бўйича аниқланг: корхоналар сонини, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматини, маҳсулот ҳажмини ва фондлар қайтимини. Натижаларни жадвал кўринишида ифодалаб, хулосалар қилинг.

## 4-мавзу. СТАТИСТИК ЖАДВАЛ ВА ГРАФИКЛАР

### 1. Қисқача методик кўрсатмалар

Статистик маълумотларни шундай тақдим этиш керакки, улардан фойдаланиш қулай бўлсин, уларни ўқиш ва тушуниш осон бўлсин. Уларни тақдим этишнинг энг қамиди 3 та усули мавжуд: матнда сўз билан баён этиш, жадвал зухурда ва графиклар орқали тасвирлаш. Маълумотларни сўз билан матнда баён этиш кўринишда яхши йўлга ўхшаб туюлса ҳам, аммо субъектнинг маҳоратига, маълумотларни талқин қилишдаги ўзига хосликка боғлиқ. Бундан ташқари, бу ҳолда уларни ҳар томонлама тушуниш, боғланишларини пайқаш бирмунча оғирлашади.

Жадвал статистик маълумотларни яққол, ихчам ва умумлаштириб тақдим этиш усулидир. Иқтисодий изланишларда статистик жадвалларнинг ҳар хил турлари қўлланилади. Эганинг тузилишига кўра, статистик жадваллар уч турга бўлинади: оддий, группавий ва комбинацион.

Оддий жадвал деб ўрганилаётган объектлар ва уларнинг кўрсаткичлари бирма-бир рўйхат кўринишида ёзилган жадвалга айтилади.

Гуруҳ жадвали деганда ўрганилаётган объектларни бир белги асосида гуруҳлаш натижаларини ифодалейдиган жадвал назарда тутилади.

Комбинацион жадвал эга қисмида объектларни икки ва ундан орттиқ белгилари асосида гуруҳлаш натижаларини акс эттирувчи жадвалдир.

Статистик маълумотларни кенг омма учун тушунарли, таъсирчан, диққатга сазовор ва лўнда қилиб баён этиш жуда муҳимдир. График усули ана шу мақсад учун хизмат қилиб, амалда кенг қўлланади.

Статистикада графиклар деганда ижтимоий ҳаёт ҳақидаги маълумотларни шартли олинган меъёрда тузилувчи ҳар хил геометрик шакл ва чизиклар, предметларнинг тасвирлари (суратлари) ҳамда географик хариталарда нишонланган шартли белгилар ёрдамида тасвирлаш тушунилади. Улар кишининг диққатини ўзига тез жалб этиш билан бирга маълумотларни эсда яхшироқ сақлаш, тўлароқ ва чуқурроқ тасаввур қилиш имконини беради.

### 2. Муствақил ишлаш учун саволлар

1. Статистик жадвалларнинг моҳияти ва аҳамияти.
2. Статистик жадвалларнинг турлари.
3. Статистик жадвалларни тузиш қондалари.
4. Статистик жадвалларни ўқиш ва таҳлил қилиш.
5. Статистик кўрсаткичларни графикларда тасвирлашнинг аҳамияти.
6. Статистик жадваллар ва графиклардан амалиётда фойдаланиш.
7. Статистик маълумотларни таҳлил қилишда статистик жадваллар ва статистик графиклардан комплекс фойдаланиш ва унинг аҳамияти.

## 5-мавзу. СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР

### 1. Қисқача методик кўрсатмалар

Статистик кўрсаткичлар деб маълум мақон ва замон шароитида оммавий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳолатини, ривожланишини, тузилишини; ўзаро боғланишларини ифодаловчи меъёрлар юритилади. Статистик кўрсаткичлар тизими деганда оммавий жараёнлар ва уларнинг белгиларини ўзаро боғланишда ақс эттирувчи ўзаро боғланган кўрсаткичлар мажмуаси тушунилади.

Ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳажми, сони, миқдори ва даражасини таърифловчи кўрсаткичлар мутлақ (абсолют) миқдорлар деб аталади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилда ўртача аҳоли сони 28233,9 минг киши, 2010 йили фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта 3422,2 минг тоннани, ишлаб чиқарилган гўшт 37,9 минг тоннани, сўт 205,0 минг тоннани ва тухум 288,1 млн. донани ташкил этди.

Ифодаланишига кўра, мутлақ миқдорлар яқка ва умумий миқдорларга бўлинади. Яқка мутлақ миқдорлар кузатилаётган тўпламнинг алоҳида бирликларини ифодалайди, умумий мутлақ миқдорлар эса кузатилаётган тўпламни таърифлайди. Мутлақ миқдорлар натурада, шартли натурада, пул ва комплекс ўлчов бирликларида ифодаланиши мумкин.

Натура ўлчов бирлиги деганда ўрганилаётган ҳодисанинг истеъмол қийматини, унинг ички хусусиятини ифодаловчи оғирлик, узунлик, ҳажм ва бошқа бирликлар тушунилади (грамм, гектар, тонна, метр, м<sup>3</sup>, дон, киши ва ҳоказо).

Шартли натура ўлчов бирлиги деганда бир хил турдаги истеъмол қийматга эга бўлган ҳодисаларни бир хил бирликка келтирувчи ўлчов бирликлари тушунилади (шартли банка, шартли ёқилғи ва ҳоказо).

Баъзи мураккаб ҳодисаларни, икки ва ундан ортиқ ўлчов бирликларини ўзаро бирикма билан ифодалашга тўғри келади (тонна километр, километр - соат, киши куни ва ҳоказо). Бундай ўлчов бирликлари комплекс ўлчов бирликлари дейилади.

Ҳар хил турдаги ҳодисаларни ўзаро таққослашда қийинчиликлар пайдо бўлади. Бундай ҳолларда ҳодисаларнинг умумий миқдори пулда (тийин, сўм, доллар, рубль, марка ва ҳоказо) ифодаланади.

Мутлақ миқдорлар ижтимоий - иқтисодий ҳодисаларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам, аммо улар ҳодиса ва жараён қандай тезликда ривожланаётганлиги, унинг учрашиш жадаллигини аниқлаш имконини бермайди.

Бунинг учун нисбий миқдорлар қўланади. Улар қиёсий иқтисодий таҳлилни чуқурлаштириш ва тафаккуримизни бойитиш учун хизмат қилади.

Статистикада нисбий миқдорлар деганда бир миқдорни иккинчисига бўлиш натижасида олинган ҳосила тушунилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўртача аҳоли сони 101,7 фоизга, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта 101,4 фоизга, ишлаб чиқарилган гўшт 106,8 фоизга, сўт 116,1 фоизга ва тухум 137,2 фоизга ортган.

Нисбий миқдорлар турли шаклларда ифодаланади. Уларнинг ифодаланиш шакли базис миқдорнинг қандай бирликка тенглаштириб олинishiга боғлиқ. Агар таққослаш асоси 1 га тенглаштириб олинса, у ҳолда нисбий миқдорлар коэффициентда, асоси 100 га тенг бўлса фоизда (%) ва асоси 1000 га тенглаштириб олинса, нисбий миқдорлар промилледа (‰) ифодаланади.

Нисбий миқдорлар мазмунига кўра асосан қуйидаги турларга бўлинади:

1) Режа бажарилиши нисбий миқдорлари ҳақиқий бажарилган даражани режа топшириғи даражаси билан таққослаш орқали аниқланади:

$$HM_{p.6} = \frac{\text{Ҳақиқий бажарилиши}}{\text{Режа топшириғи}} \times 100$$

2) Шартнома бажарилиши нисбий миқдорлари шартноманинг бажарилиш даражасини шартнома мажбурияти даражаси билан таққослаш натижасида аниқланади:

$$HM_{ш.6} = \frac{\text{Шартнома бажарилиши}}{\text{Шартнома мажбурияти}} \times 100$$

3) Динамика нисбий миқдорлари келгуси давр даражасини ўздан олдинги ёки бошланғич давр даражаси билан таққослаш натижасини ифодалайди:

$$HM_{дин. \uparrow} = \frac{Y_t}{Y_{t-1}} \cdot 100 \quad \text{ёки} \quad HM_{дин. \uparrow} = \frac{Y_t}{Y_0} \cdot 100$$

4) Тузилма нисбий миқдорлари қисми бутунга бўлиш натижасидир:

$$HM_{т.з} = \frac{\text{Қисм}}{\text{Бутун}} \times 100 \quad \text{ёки} \quad HM_{т.з} = \frac{n}{\sum n} \cdot 100$$

5) Координация нисбий миқдорлари эса бутуннинг бир қисмини иккинчи бир қисмига таққослаш натижасидир:

$$HM_{кор} = \frac{\text{Бутуннинг бир қисми}}{\text{Бутуннинг иккинчи қисми}} \cdot 100$$

6) Жадаллик (интенсивлик) нисбий миқдорлари ўзаро боғлиқ турли ҳодисаларни таққослаш натижасида олинади ва ҳодиса жараёнларнинг тарқалиш зичлиги, учрашиш тезлигини ифодалайди. Масалан, аҳоли зичлиги, меҳнат унумдорлиги даражаси ва ҳоказо:

$$HM_{а.с} = \frac{\text{Аҳоли сони}}{\text{Худуд майдон}} \quad \text{ёки} \quad HM_{и.м} = \frac{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот}}{\text{Ишчилар сони}}$$

7) Таққослаш нисбий миқдорлари, турли объект ёки ҳудудга мансуб бир кил турдаги, бир даврдаги кўрсаткичларнинг нисбатини ифодалайди:

$$HM_{н.с} = \frac{\text{А вилоятда n-йилда стиптирилган пахта миқдори}}{\text{Б вилоятда n-йилда стиптирилган пахта миқдори}}$$

1-мисал. Ўзбекистон Республикасини йил бошидаги (01.01.) аҳоли сони

тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган. Барча турдаги нисбий миқдорлар аниқлансин.

(миңг киши)

Йиллар	Аҳоли сони	Шу жумладан:	
		эркаклар	аёллар
2000	24487,7	12193,3	12294,4
2001	24813,1	12363,9	12449,2
2002	25115,8	12521,1	12594,7
2003	25427,9	12684,5	12743,4
2004	25707,4	12831,4	12876,1
2005	26021,4	12993,6	13027,7
2006	26312,7	13145,1	13167,6
2007	26663,8	13325,6	13338,2
2008	27072,2	13535,3	13536,9

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси ҳудуди 448,9 миңг км<sup>2</sup>.

Мисол ечими. 2000 йил учун:

$$1) \text{ Структура нисбий миқдори } \uparrow \frac{\text{Қисм}}{\text{Бутун}} \cdot 100\% \uparrow \frac{12294,4}{24487,7} \cdot 100 \uparrow 50,2\% \text{ } \uparrow 96^{\circ}$$

Демак, 2000 йили жами аҳолининг 50,2 %ини аёллар ташкил этган. Эркаклар эса 49,8 %ни (100-50,2).

$$2) \text{ Динамика нисбий миқдори } \uparrow \frac{y}{y_{..}} \cdot 100\% \uparrow \frac{24813,1}{24487,7} \cdot 100 \uparrow 101,33\%$$

Демак, 2001 йили аҳоли сони 2000 йилга нисбатан 101,33 % га ошибди.

$$3) \text{ Координация нисбий миқдори } \uparrow \frac{\text{Қисм}}{\text{Қисм}} \uparrow \frac{12294,4}{12193,3} \uparrow 1,0083$$

Яъни аёллар сони эркаклар сонига нисбатан 1,0083 мартаба кўп экан.

$$4) \text{ Жадаллик нисбий миқдори } \uparrow \frac{\text{Аҳоли сони}}{\text{Худуд майдони}} \uparrow \frac{24487,7}{448,9} \uparrow 54,55$$

Демак, аҳоли зичлиги 2000 йили 1 км<sup>2</sup> га 54,55 кишини ташкил этди.

## 2. Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Статистик кўрсаткичларнинг моҳияти ва аҳамияти
2. Мутлақ миқдорлар деганда нимани тушунаси?
3. Мутлақ миқдорнинг қандай турлари мавжуд?
4. Мутлақ миқдорлар қандай ифодаланади?
5. Нисбий миқдорлар деб нимага айтилади?
6. Нисбий миқдорлар қандай ифодаланади?
7. Динамика нисбий миқдорлари қандай ҳисобланади?
8. Тузилма ва координация нисбий миқдорлари қандай аниқланади?
9. Режа ва шартнома бажарилиши нисбий миқдорлари қандай ҳисобланади?
10. Жадаллик нисбий миқдорлари қандай аниқланади?
11. Таққослаш нисбий миқдорлари қандай ҳисобланади?
12. Мутлақ ва нисбий миқдорларни биргаликда қўллаш зарурати тўғрисида

нималар дея оласиз?

### 3. Масалалар

5.1-масала. Жорий йилда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қуйидаги ёқилгилар сарфланди:

Ёқилги тури	Сарфланган ҳажми	Шартли ёқилгига ўтказиш коэффициенти
Ёқилги мазут, тонна	800	0,9
Тошқумир, тонна	460	1,37
Табий газ, минг м <sup>3</sup>	940	1,2

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида жорий йилда истеъмол қилинган умумий ёқилги ҳажмини шартли ўлчов бирлигида аниқланг.

5.2-масала. Жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган ( минг тонна):

Маҳсулот тури	Ҳажми	Шартли кир ювиш воситасига, ўтказиш коэффициенти
60% ли ҳўжалик совуни	42,0	1,75
40% ли ҳўжалик совуни	29,0	1,0
Ироки совуни	40,0	1,75
Кир ювиш кукуни	25,0	0,5

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида жорий йилда истеъмол қилинган умумий кир ювиш воситалари ҳажмини шартли ўлчов бирлигида аниқланг.

5.3-масала. Ўзбекистон Республикасида сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси

Вилоятлар	Сабзавот маҳсулотлари, тонна				2009 йил 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008 й.	Ҳажмига нисбатан, %	2009 й.	Ҳажмига нисбатан, %	(+:-)	%
Қорақалпоғистон Республикаси	64146		65455			
Андижон	155789		199762			
Бухоро	43776		58071			
Жиззах	94247		97074			
Қашқадарё	82148		112152			
Навоий	30748		40916			
Наманган	76839		77789			
Самарқанд	437982		488052			
Сурхондарё	89114		113231			
Сирдарё	27367		30509			
Тошкент	456807		522094			
Фарғона	53319		71906			
Хоразм	105508		120205			
Ўзбекистон Республикаси	1717790	100	1997216	100		

Аниқланг: Ўзбекистон Республикасида сабзавот маҳсулотлари ишлаб

чиқариш динамикаси ва тузилма кўрсаткичларини. Олинган кўрсаткичларни таҳлил қилинг.

5.4-масала. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони тўғрисида берилган ҳуйидаги маълумотлар асосида имкони бўлган барча нисбий миқдорларни аниқланг:

(минг киши)

Йиллар	Жами аҳоли сони	Шу жумладан	
		Шаҳар аҳолиси сони	Қишлоқ аҳолиси сони
2000	24487,7	9165,6	15322,2
2001	24813,1	9225,3	15587,8
2002	25115,8	9286,9	15828,9
2003	25427,9	9340,8	16087,2
2004	25707,4	9381,3	16326,2
2005	26021,4	9441,9	16579,4
2006	26312,7	9495,1	16817,6
2007	26663,8	9584,6	17079,2
2008	27072,2	9698,2	17374,0
2009	27533,4	10002,7	17530,7

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси ҳудуди 448,9 минг км<sup>2</sup>.

5.5-масала. Ўзбекистон Республикасининг айрим вилоятларидаги фермерлик хўжаликлари тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган. Улар асосида имкони бўлган нисбий миқдорлар турлари ҳисоблансин:

Вилоятлар	Фермер хўжаликлари сони				2009 йил 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008 й.	Жамига нисбатан, %	2009 й.	Жамига нисбатан, %	(+;-)	%
Қорақалпоғистон Республикаси	9271		3879			
Андижон	17272		7296			
Бухоро	15656		4827			
Жиззах	13374		5550			
Қашқадарё	29785		8599			
Навоий	7372		2310			
Наманган	13318		6245			
Самарқанд	25010		8804			
Сурхондарё	15103		5527			
Сирдарё	9205		4241			
Тошкент	19935		7449			
Фарғона	24963		10131			
Хоразм	18381		5760			
Ўзбекистон Республикаси	218645	100	80628	100		

5.6-масала. Ўзбекистон Республикасининг айрим вилоятларидаги фермерлик хўжаликлари тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган. Улар асосида имкония бўлган нисбий миқдорлар турлари ҳисоблансин:

Вилоятлар	Бирлаштирилган ер майdonи, минг га				2009 йил 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008 й.	Жамига нисбатан, %	2009 й.	Жамига нисбатан, %	(+;-)	%
Қорақалпоғистон Республикаси	585,9		590,8			
Андижон	243,1		249,3			
Бухоро	853,0		806,7			
Жиззах	479,0		457,7			
Қашқадарё	717,1		725,5			
Навоий	229,6		247,8			
Наманган	243,0		243,7			
Самарқанд	495,1		495,4			
Сурхондарё	696,9		714,4			
Сирдарё	275,7		275,7			
Тошкент	439,1		445,0			
Фарғона	397,9		334,2			
Хоразм	241,4		242,3			
Ўзбекистон Республикаси	5896,8	100	5828,5	100		

5.7-масала. 2008-2009 йилларда республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисида берилган қуйидаги маълумотлар асосида динамика нисбий миқдорларини ҳисобланг:

Ўзлик-овاقт маҳсулотлари турлари номи	Ўлчов бирлиги	2008 й.	2009 й.
Сабзавот	миңг тонна	5217,4	5704,7
Картошка	миңг тонна	1398,7	1524,5
Полиз	миңг тонна	981,2	1071,0
Мева	миңг тонна	1402,8	1542,9
Ўзум	миңг тонна	791	899,6
Гўшт (тирик вазнда)	миңг тонна	1288	1367,7
Сут	миңг тонна	5426,3	5779,0
Тухум	миң дона	2429,0	2715,9

5.8-масала. Вилоятдаги шаҳарлардан бири бўйича 2009 йил учун қуйидаги маълумотлар берилган:

Туғилган болалар сони, киши	Вафот этгиллар, киши	Никоҳлар сони	Ажралишлар сони	Ўртача йиллик аҳоли сони
1432	720	640	172	75260

1. Туғилиш ва вафот этиш коэффициентларини аниқланг. 2. Никоҳдан

Ўтиш ва ажралишни ифодаловчи жадалликнинг нисбий миқдори аниқлансин.

**5.9-масала.** Вилоятда истиқомат қилувчи аёл ва эркеклар сони тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган (минг киши):

Ёш бўйича аҳоли гуруҳи, йил	Эркеклар	Аёллар
0 дан 44 ёшгача	80,3	83,1
45 ёш ва ундан катта	20,1	41,2
Жами:	100,4	124,3

Барча ҳисоблаш мумкин бўлган нисбий миқдорлар турларини аниқланг: а) барча аҳоли учун; б) 0 дан 44 ёшгача; в) 45 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳоли учун.

**5.10-масала.** Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодий асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидаги улуши (фонзда) тўғрисида қуйидаги берилган маълумотлар асосида динамика ва тузилма нисбий миқдорлари аниқлансин:

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.
Саноат	13,9	16,9
Қишлоқ хўжалиги	97,8	97,9
Қурилиш	48,3	41,6
Савдо	48,1	46,5
Асосий капиталга инвестиция	23,1	23,7
Пуллик хизмат	48,5	48,7
Экспорт	12,4	14,6
Импорт	35,7	42,5

**5.11-масала.** 2008 йили кичик корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш 300,4 млн. сўмни, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати 157,2 млн сўмни ташкил этди. 2009 йили маҳсулот ишлаб чиқариш 404,5 млн. сўмни, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати эса 206,1 млн. сўмни ташкил этди.

Аниқланг: 1) Ҳар бир йил учун асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичини. 2) Бу кўрсаткичлар қайси нисбий миқдор турига тааллуқли?

**5.12-масала.** Корхонада 2008 йили 503,1 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йили бу кўрсаткич 609,0 млн. сўмни ташкил этди. Шу давр мобайнида корхонадаги ишчилар сони 2008 йили 1157 киши бўлган бўлса, 2009 йили эса 1169 кишини ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикаси аниқлансин.

**5.13 -масала.** Ўзбекистон Республикасида 2009-2010 ўқув йилида фаолият юритаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари

Таълим муассасалари турлари	Сони	Сол. салт., фонд
Жами	566	100,0
Шундан:		
Ўқувчилар ижодий марказлари	258	
Техник ижодий марказлари		

Экология марказлари	103	
Еш савдотчилар ва ўлкашунослар марказлари	55	
Бошқа турдаги (соғлом авлод марказлари, болалар истироҳат боғлари, тил марказлари, путк марказлари, касбга тайёрлов марказлари ва бошқ.) марказлар	26	

Техник ижодиёт марказлари сонини аниқланг, салмоғини ҳисобланг ва таҳлил қилинг.

5.14-масала. 2009 йилда ижтимоий соҳа объектларининг таъмирланиши, донга

Кўрсаткич	Режада	Амалда	Бажарилиши, фонда
Мактабгача таълим муассасалари		547	111,4
Умумтаълим мактаблари		911	102,5
Амбулатор поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари		186	100
Болалар спорт муассасалари, стадионлар		84	106,3

Режадаги ижтимоий соҳа объектларининг сонини аниқланг ва таҳлил қилинг.

5.15-масала. 2009 йилда қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасининг ривожлантирилиши

Кўрсаткич	Режада	Амалда	Бажарилиши, фонда
<b>Ишлаб чиқариш инфратузилмаси</b>			
Табий газ таъминоти, км		197,2	109,3
Ичимлик сув тармоқлари қувурларини қуриш, км	1168		142,6
<b>Ижтимоий соҳа инфратузилмаси</b>			
ҚАП ичимлик сув таъминоти объектларини реконструкция қилиш, ҚАП		366	120,4
Ободонлаштириш бошқармаларини махсус техникалар билан жиҳозлаш, донга	2086		100,7
1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйларни мукаммал таъмирлаш, донга		134	107,2

Жадвалдаги номаълум кўрсаткичларни аниқланг.

5.16-масала. Ўзбекистон Республикасида 2010 йилги инвестицион дастури капитал қўйилмаларининг асосий параметрлари

№	Маълумлаштириш манбаларининг номлари	2010 йилги млрд. сўм	Жамғириқ нисбатан фонда
	Капитал қўйилмалар, жами	18220,3	100
1.	Марказлаштирилган инвестициялар	3819,8	
2.	Номарказлаштирилган инвестициялар		
2.1.	Корхона мублаглари	7777,7	
2.2.	Тижорат банклари кредитлари	1530,0	
2.2.1	Шу жумладан, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг имтиёзли кредитлари	256,3	

2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар		
2.4.	Аҳоли маблағлари	1216,0	

Номарказлаштирилган инвестициялар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар прогноз ҳажмини, салмоғини ҳисобланг ва таҳлил қилинг.

**5.17-масала.** Россия Федерациясида 2007-2009 йилларда нефть ва кўмир қазиб олиш ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

Ёкилғи	Қазиб олиш ҳажми, млн.т		
	2007	2008	2009
Нефть	305	324	348
Кўмир	250	258	269

Нефть ёнганда 45,0 МДж/кг, кўмир эса – 26,8 МДж/кг иссиқлик ажратади. Шартли ёкилғига (29,3 МДж/кг) ўтказиб ҳивоб-китобларни амалга оширинг ва таҳлил қилинг.

**5.18-масала.** Россия Федерациясида коғоз ишлаб чиқариш ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

Йиллар	2006	2007	2008	2009
Коғоз ишлаб чиқарилган, минг т	2453	2968	3326	3415

Нисбий динамика миқдорларини (ўзгармас ва ўзгарувчан асосли) аниқланг. Уларнинг ўзаро боғлиқлигини текширинг.

**5.19-масала.** Россия Федерациясида автомобиллар ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

Кўрсаткичлар	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Жамъ	1120	1132	981	1130	1153	1195
Шу жумладан:						
Юк автомобили	137	146	141	176	184	173
Ёнгил автомобиль	983	986	840	954	969	1022

Доимий асосли динамика нисбий миқдорлари аниқлансин. Хулосалар қилинг.

## 6-мавзу. ЎРТАЧА МИҚДОРЛАР

### 1. Қисқача методик кўрсатмалар

Ўртача миқдор статистикада кенг тарқалган умумлаштирувчи кўрсаткичлардан ҳисобланади. Фақат ўртача миқдор ёрдамида миқдорий ўзгарувчан тўпламни характерлаш мумкин.

Статистикада ўртача миқдор деганда - бир турдаги оммавий ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни ўзгарувчан белгилари асосида умумлаштириб ифодаловчи миқдор, кўрсаткич тушунилади.

Ўртача миқдорнинг хусусияти шундаки, у тўпламнинг умумий даражаскини ёки ундаги айрим birlikларнинг даражасини ифодаламасдан, балки ўрганилаётган белги умумий даражасининг тўплам birlikларига нисбатини ифодалайди.

Ўртачани ҳисоблашда қуйидаги қоидаларга риоя этиш зарур:

1. Ўрталаштирилаётган индивидуал миқдорлар бир хил турдаги тўпламга хос бўлиши ва моҳиятлари тубдан фарқ қилмаслиги керак.

2. Ўртача миқдорлар етарли даражада улкан бўлган бир турдаги оммавий тўпламлар учун ҳисобланиши керак (катта сонлар қонуни).

3. Ўртача миқдор фақатгина умумий тўплам учун ҳисобланмасдан, балки тўпламнинг айрим гуруҳлари, қисмлари учун ҳам ҳисобланиши керак.

4. Ўртача ҳисобланиши керак бўлган белги муҳим бўлиши керак.

5. Ҳисобланаётган ўртача миқдор у билан боғлиқ бошқа белгилар ўртачалари билан тўлдирилиши зарур.

Статистикада ўртача миқдорларнинг турли шакллари мавжуд: ўртача арифметик, ўртача гармоник, ўртача хронологик, ўртача квадратик, ўртача геометрик ва ҳоказо.

Ўртача миқдор аниқланаётган белги - ўрталаштирилаётган белги деб юритилади ва  $X$  ҳарфи билан белгиланади.

Ўрталаштирилаётган белги миқдорларнинг алоҳида - алоҳида қийматлари, вариантлар деб юритилади ва қуйидагича белгиланади:  $X_1, X_2, \dots, X_n$ .

Ўртача миқдор -  $\bar{X}$  билан белгиланади. Ўрталаштирилаётган белги вариантларининг умумий сони  $n$  билан, ҳар бир вариантларнинг тўпламда юзага чиқиш сони эса  $f$  ҳарфи билан белгиланади.

1. Ўртача арифметик миқдор. Ўртачанинг энг содда ва амалиётда кенг қўлланилаётган шакли ўртача арифметик миқдордир. Ўртача арифметик оддий ва тортилган шакллarga эга.

а) Оддий арифметик ўртача ўрталаштирилаётган белги миқдори (варианталари) бир ёки тенг марта такрорланган ҳолда қўлланилади.

1-мисол. Уч ходимнинг ойлик иш ҳақи мос равишда 235000 сўмга, 242000 сўмга ва 251000 сўмга тенг бўлса, учала ходим учун ўртача иш ҳақи 242666,6 сўмга тенг булади:

$$\bar{X} = \frac{\sum x}{n} = \frac{(x_1 \cdot f_1 + x_2 \cdot f_2 + \dots + x_n \cdot f_n)}{n} = \frac{(235000 \cdot 1 + 242000 \cdot 1 + 251000 \cdot 1)}{3} = \frac{728000}{3} = 242666,6 \text{ сўм}$$

б) тортилган арифметик ўртача, индивидуал миқдорларнинг ҳар бири турлича учраган ҳолда қўлланилади.

2-мисол. Бир кичик корхонадаги ходимларнинг ойлик иш ҳақлари тўғрисида қуйидаги берилган маълумотлар асосида корхона ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақлари миқдори ҳисоблансин:

Тартиб рақами	Ходимлар сон, киши	Ойлик иш ҳақи, сўм	Иш ҳақи фонди, сўм
A	A	X	Xf = M
1	4	235000	940000
2	5	242000	1210000
3	10	251000	2510000
Жами	19	-	4660000

$$\bar{X} \uparrow \frac{\sum x_i f_i}{\sum f_i} \uparrow \frac{(x_1 f_1 + x_2 f_2 + \dots + x_n f_n)}{f_1 + f_2 + \dots + f_n} \uparrow \frac{(235000 \cdot 4 + 242000 \cdot 5 + 251000 \cdot 10)}{4 + 5 + 10} \uparrow \frac{940000 + 1210000 + 2510000}{19}$$

$$\uparrow 245263,16 \text{ сўм}$$

Демак, кичик корхона ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 145260,3 сўмни ташкил этибди.

2. Ўртача гармоник миқдор. Айрим ҳолларда белгининг индивидуал вариантлари (x) маълум бўла туриб, уларнинг вазилари (f) номаълум ва f лар ўрнига эса x билан f нинг кўпайтмаси (xf=W) келтирилган бўлади.

а) Бундай ҳолларда ўртачани ҳисоблаш учун ўртача торқилган гармоник миқдор формуласи қўлланилади:

$$\bar{X} \uparrow \frac{\sum W}{\sum \frac{W}{X}} \uparrow \frac{W_1 W_2 W_3 \dots W_n}{\frac{W_1}{X_1} + \frac{W_2}{X_2} + \dots + \frac{W_n}{X_n}} \uparrow \frac{940000 + 1210000 + 2510000}{\frac{940000}{235000} + \frac{1210000}{242000} + \frac{2510000}{251000}}$$

$$\uparrow 245263,5 \text{ сўм}$$

б) Агар  $W_1 = W_2 = \dots = W_n$  бўлса, у ҳолда ўртачани ҳисоблаш учун ўртача оддий гармоник миқдор формуласи қўлланилади:

$$\bar{X} \uparrow \frac{1 + 1 + \dots + 1}{\frac{1}{X_1} + \frac{1}{X_2} + \dots + \frac{1}{X_n}} \uparrow \frac{n}{\frac{1}{X}}$$

3-мисол. Иккита ишчи 8 соат мобайнида деталларга ишлов берди. Иш давомида биринчи ишчи 1-деталга 24 дақиқа, иккинчиси эса 32 дақиқа вақт сарфлади. Ҳар иккала ишчи ўртача бир деталга қанча вақт сарфлаганини ҳисоблаймиз. Ўртача арифметик формула ёрдамида 28 дақиқа сарфланганини аниқлаймиз:

$$\bar{X} \uparrow \frac{x_1 + x_2}{2} \uparrow \frac{24 + 32}{2} \uparrow \frac{56}{2} \uparrow 28 \text{ дақиқа}$$

Аmmo, ўртачани бундай усулда ҳисоблаш нотўғри натижага олиб келади. Чунки ўртача сарфланган вақтни ҳисоблаш учун жами сарфланган вақтни жами ишлов берилган деталлар сонига бўлиш керак:

$$\bar{X} \uparrow \frac{\text{жами сарфланган вақт}}{\text{жами ишлов берилган деталлар}} \uparrow \frac{8 \text{ соат} \cdot 2 \text{ киши} \cdot 60 \text{ минут}}{15 + 20} \uparrow \frac{960}{35} \uparrow 27,4$$

дақиқа

Агар ишбу рақамлар формулага кўйилса, қуйидаги натижага эга бўламиз:

$$\bar{X}_{\text{шартли}} \uparrow \frac{n}{x} \uparrow \frac{1 \cdot 61}{24} \uparrow \frac{2}{0,7285} \approx 27,4 \text{ дақиқа}$$

3. Ўртача арифметик миқдорнинг математик хусусиятлари асосида ўртачани ҳисоблашни анча соддалаштиришимиз мумкин. Буни ўртачани шартли момент усулида ҳисоблаш мисолида кўриб чиқамиз:

$$\bar{X} \uparrow km, \text{ \&A} \text{, бу ерда } m, \uparrow \frac{\sum x'f}{\sum f} \text{ ни}$$

янги вариантлардан ( $x'$ ) ҳисобланган ўртача биринчи даражали момент деб юритилади:

$$\bar{X} \uparrow \frac{\sum x'f}{\sum f} \cdot k \text{ \&A} \text{ бу ерда } X' \uparrow \frac{X-A}{K} \quad \bar{X} \uparrow \frac{\sum (X-A/K) \cdot f}{\sum f} \cdot K \text{ \&A} \text{ A}$$

4-мисол. Ўртачани шартли момент усулида ҳисоблаш тартибини қуйидаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз:

A=240 доллар ва K= 40 доллар

Ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ишчиларнинг гуруҳланиши, доллар	Ишчилар сони, киши (f)	Интервал ўртача қиймати, доллар (x)	X-A	$\frac{(X-A)}{K}$	$\frac{(X-A)}{K} \cdot f$
140 гача	60	120	-120	-3	- 80
140-180	100	160	-80	-2	-200
180-220	135	200	-40	-1	-135
220-260	150	240	0	0	0
260-300	55	280	40	1	55
300 дан юқори	30	320	80	2	60
<b>Жами</b>	<b>530</b>	-	-	-	<b>- 515 + 115 -400</b>

$$\bar{X} \uparrow \frac{\sum (X-A/K) \cdot f}{\sum f} \cdot K \text{ \&A} \text{ A} \uparrow \frac{400}{530} \cdot 40 \text{ \&A} \text{ 240} \uparrow 30,2 \text{ \&A} \text{ 240} \uparrow 209,8 \text{ доллар}$$

**Мода ва медиана.** Мода деганда тўпلامда энг катта қийматга ёки салмоққа эга бўлган кўрсаткич тушунилади. Масалан, шаҳардаги маҳаллалардан биридаги оилалар ва улардаги болалар сони тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Оилалардаги болалар сони, киши	0	1	2	3	4	5	6	Жами
Оилалар сони	10	30	75	45	20	15	6	<b>201</b>

Бу ерда мода - оиласида 2 та бола бўлган оилаларга мос келади. Тенг интервалли тақсимот қаторларида мода қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$M_0 \uparrow X_{M_0} \text{ \&A} \text{ } i_{M_0} = \frac{f_{M_0} \cdot f_{M_0+1}}{(f_{M_0} + f_{M_0+1}) \text{ \&A} \text{ } (f_{M_0} + f_{M_0-1})}$$

бу ерда:  $X_{M_0}$ - модани ўз ичига олган интервал бошланғич қиймати;

$i_{M_0}$  – модалар интервал узунлиги;

$f_{M_0}$  – модалар интервал частотаси;

$f_{M_0-1}, f_{M_0+1}$  – модалар интервалдан олдинги ва кейинги интервал частотаси.

Медиана деганда тўпلامни тенг иккига бўлувчи кўрсаткич (вариант)

тушунилади. Агар қатор кўрсаткичлари жуфт бўлса, у ҳолда медиана уларнинг ўртача арифметигига тенг.

Интервал қаторда медиана қуйдагича аниқланади:

$$M_e \uparrow X_{Me}, G_{i_{Me}} = \frac{0,5n \cdot f \cdot S_{Me-1}}{f_{Me}}$$

бу ерда:

$X_{Me}$  - медиана жойлашган интервал бошланғич миқдори

$i_{Me}$  - медианали интервал киймати

$\sum f$  - қатор частоталари йиғиндиси

$S_{Me-1}$  - медианали интервалдаги олдинги частоталар йиғиндиси

$f_{Me}$  - медианали интервал йиғиндиси

## 2. Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Ўртача миқдор деганда нимани тушунасиз?
2. Ўртачани тўғри ҳисоблаш учун қандай қондаларга риоя қилиш керак?
3. Статистикада қандай ўртача миқдорлар қўлланилади?
4. Ўртача оддий ва тортилган арифметик миқдорлар қандай ҳисобланади?
5. Ўртача оддий ва тортилган гармоник миқдорлардан қандай ҳолатларда фойдаланилади?
6. Ўртача арифметик миқдор қандай математик хоссаларга эга?
7. Ўртача миқдор моментлар усулида қандай ҳисобланади?
8. Мода ва медиана ҳақида нималарни бйласиз?

## 3. Масалалар

6.1-масала. Икки сут соғувчига 20 та сигир бириктирилган бўлиб, улардан кундалик сут соғиб олиш миқдори тўғрисида қуйдаги маълумотлар берилган:

Сигирлар гартиб рақами		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Кундалик сут соғиб олиш миқдори, кг	1-сут соғувчи	5	7	12	10	11	13	15	9	8	16
	2-сут соғувчи	8	14	16	13	12	7	5	12	11	10

Ҳар бир сут соғувчи томонидан ўртача соғиб олинган сут миқдорини аниқланг.

6.2-масала. Бир ишчи битта деталга ишлов беришга 20 дақиқа сарфлади. Иккинчи ишчи эса худди шундай деталга 30 дақиқа давомида ишлов берди. Ҳар иккаласи ҳам 8 соатдан ишлаган бўлса, улар ўртача бир деталга ишлов бериш учун қанча вақт сарфлайдилар?

6.3-масала. Фермер хўжалигидан темир йўл станциясигача 180 км. Автомобил фермер хўжалигидан станциягача соатига 60 км тезлик билан ва станциядан фермер хўжалигига эса соатига 70 км тезлик билан қайтди. Жами йўлни босиб ўтишда автомобиль ўртача қандай тезлик билан юради?

6.4-масала. Учта қанд лавлагига ишлов берувчи заводлар бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Заводлар		
		1	2	3
Ўртача рўйхатдаги ишчилар сони	киши	120	180	300
Бир ишчига нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори	тонна	61	65	72
Бир килограмм шакарнинг таннархи	доллар	0,40	0,39	0,38
Бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи	доллар	1620	1640	1690

- а) ўртача битта ишчига нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини;  
 б) 1 кг шакарнинг ўртача таннархини;  
 в) битта ишчининг ўртача иш ҳақини аниқланг.

6.5-масала. Пахта етиштириш билан шугулланувчи 3 та фермер хўжаликлари бўйича 2010 ва 2011 йиллар учун берилган қуйидаги маълумотлар асосида ҳар бир йил учун ўртача ҳосилдорлик даражаси аниқлансин:

Фермер хўжаликлари тартиб рақами	2010 йил		2011 йил	
	Ҳосилдорлик, ц/га	Экин майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, ц
1	23	250	24	6128
2	24	300	26	7800
3	26	320	25	7750

6.6-масала. Шаҳардаги деҳқон бозорларида сотилган картошка тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Деҳқон бозорлари	I квартал		II квартал	
	Сотилган картошка қиймати, минг сўм	1 кг картошка баҳоси, сўм	Сотилган картошка миқдори, тонна	1 кг картошка баҳоси, ц
1	120400	560,0	210	460,0
2	93480	570,0	170	470,0
3	70760	580,0	125	480,0

1. Барча бозорлар бўйича ўртача 1 кг картошка баҳосини (I ва II кварталлар учун ва ярим йиллик учун).  
 2. Ўртача сотилган картошка миқдорини аниқланг.

6.7-масала. Бирлашмадаги уч корхона бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Корхоналар	I квартал		II квартал	
	Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот, млн. сўм	Режа бажарилиши, %	Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси, млн. сўм	Режа бажарилиши, %
1	240,5	97,2	244,0	101,1
2	570,3	102,5	582,0	100,8
3	290,1	100,8	300,0	103,0

1. Ҳар бир квартал учун бирлашма бўйича ўртача режа бажарилишини.

2. Ярим йиллик учун ўртача режа бажарилишини аниқланг:

6.8-масала. Фабрикадаги цехлар бўйича газлама ишлаб чиқариш тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Цехлар	Ўтган давр		Жорий давр	
	Тўқувчилар сони, киши	Бир тўқувчи бир смена мобайнида и/ч, газлама, метр	Жами ишлаб чиқарилган газлама, метр	Бир тўқувчи бир смена мобайнида и/ч газлама, метр
1	40	74	3555	79
2	60	85	5160	86
3	50	80	4365	83

1. Ўтган ва жорий даврларда бир смена мобайнида бир тўқувчи томонидан ўртача ишлаб чиқарилган газлама миқдорини аниқланг.

2. Олинган маълумотларни таққосланг.

6.9-масала. Учта корхона бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ва А маҳсулот бир бирлигининг таннархи тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Корхоналар	Ишлаб чиқариш харажатлари, млн. сўм	Маҳсулот бир бирлиги таннархи, сўм
1	800	780
2	1200	1000
3	2400	1100

Маҳсулот бир бирлигининг ўртача таннархини аниқланг.

6.10-масала. Вилоятдаги уй хўжаликларининг даромадларини ўрганиш мақсадида танланма кузатиш ўтказилди ва қуйидаги маълумотлар олинди:

Бир оила аъзосига тўғри келган даромад, сўм	950	1200	1400	1600	1900	2600 дан юқори
Оилалар сонига nisbatan %	5	22	42	19	10	2

Оилаларнинг ўртача жон бошига тўғри келувчи даромади модасини аниқланг.

6.11-масала. Пахта чигитларининг сифатини ўрганишда чигитларнинг униб чиқиши қуйидагича тақсимланади:

Униб чиқиш фойизи	70	75	80	83	85	90	92	92 ва ундан юқори
Жамига nisbatan намуналар сонига, % да	0,5	0,5	6,0	12	30	40	7	4

Модани аниқланг.

6.12-масала. Тумандаги фермер хўжаликлари бўйича маҳсулотлар ҳосилдорлиги тўғрисида берилган қуйидаги маълумотлар асосида картошка, кунгбоқар ва пахта ҳосилдорлиги медианаси аниқлансин:

Фермер хўжалиги	Ҳосилдорлик, ц/га		
	Картошка	Кунгбоқар	Пахта
1	78	9,7	22,5
2	99	13,1	24,5
3	70	11,1	21,0
4	101	9,4	21,5
5	103	7,7	18,0
6	84	13,8	19,0
7	99	13,3	19,0
8	84	11,8	20,0
9	73	13,0	22,0
10	87	8,1	20,1

6.13-масала. Тармоқдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми бўйича корхоналар гуруҳи, тонна	Корхоналар сони, жамига нисбатан % да
1000-3000	12
3000-5000	20
5000-7000	40
7000-9000	18
9000-11000	10
<b>Жами:</b>	<b>100</b>

Аниқланг: Бир корхонага тўғри келадиган ўртача маҳсулот ҳажмини (моментлар усули ёрдамида).

6. 14-масала. Корхонадаги бригада ишчилари қуйидаги иш стажига эга:

Ишчининг табиъи рақами	001	002	003	004	005	006
Иш стаж, йил	14	9	11	13	8	10

Ўртача иш стажини аниқланг.

6.15-масала. Корхона ишчиларининг тариф разряди бўйича тақсимоти қуйидагича:

Тариф разряди	1	2	3	4	5	6
Ишчилар сони, киши	2	3	26	74	18	4

Корхона ишчиларининг ўртача иш савияси даражасини аниқланг.

6.16-масала. "Лукойл" АЖ савдо сессияси натижалари бўйича қуйидаги маълумотлар олинди:

Савдо майдони	Ўртача курс, рубль	Сотув ҳақид, дона
Россия савдо тизими	446	138626
Москва банкларро валюта биржаси	449	175535
Москва фонд биржаси	455	200

Учта майдон бўйича ўртача акция курси ҳисоблансин.

6.17-масала. Шаҳардаги 3 та бозорда А товарнинг сотилиши ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

Бозор	1-квартал		2-квартал	
	1 кг баҳоси, сўм	Сотилди, т.	1 кг баҳоси, сўм	Сотилиш қиймати, миңг сўм
1	850	24	950	19000
2	750	37	800	28000
3	800	29	900	20700

“А” товарнинг 1 ва 2 квартал ҳамда ярим йил учун ўртача баҳоси аниқлансин.

6.18-масала. Шаҳарлардан биридаги сотиладиган уй-жой баҳоси тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

1 м <sup>2</sup> баҳоси, доллар	Умумий майдон, миңг м <sup>2</sup>
300-400	29,4
400-500	20,5
500-600	7,3
600-700	7,0
700-800	4,0

1 м<sup>2</sup> уй-жойнинг ўртача баҳоси аниқлансин.

6.19-масала. Вилоятдаги фермер хўжалиklarининг 2011 йил охиридаги ер майдони тақсими бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Ер участкасининг миқдори, га	Хўжалиklarлар сонидagi салмоғи, %
3 гага	18,0
4-5	9,7
5-10	13,9
11-20	15,5
21-50	18,7
51-70	6,0
71-100	5,7
101-200	7,0
200 дан юқори	5,5
Жами	100

Фермер хўжалиklари ер майдонининг ўртача миқдорини аниқланг.

6.20-масала. Университет талабаларининг ўзлаштириши ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

Факультетлар	Факультет талабалари умумий соняда аълочилар салмоғи	Университет талабалари сондаги талабалар салмоғи
Халқаро туризм	0,12	0,20
Халқаро бизнес	0,06	0,43
Менежмент	0,17	0,08
Иқтисодиёт	0,09	0,29

Университет талабалар сондаги аълочилар салмоғини аниқланг.

6.21-масала. Вилоятдаги фермер хўжаликлари ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

1 ц. қанд лавлаги таннархи бўйича хўжалиқлар гуруҳи, миңг сўм	Хўжалиқлар сони	1 хўжалиқга тўғри келадиган ялпи ҳосил. ц.
22 гача	32	111,3
22-24	58	89,7
24-26	124	113,5
26 ва ундан юқори	17	130,1

Вилоятдаги фермер хўжаликлари бўйича 1 ц. қанд лавлагининг ўртача таннархини аниқланг.

6.22-масала. Корпорация бўлимларидан биридаги ишлаб чиқариш фаолияти ҳақида бир ой учун қуйидаги маълумотлар берилган:

Корхоналар	Ишлаб чиқариш умумий харажатлари, миңг сўм	Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи. сўм
1	2323,4	250
2	8215,9	275
3	4420,6	325
4	3525,3	350

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ўртача таннархи аниқлансин.

6.23-масала. Корхона маҳсулоти сифати қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади (бир ойда):

Маҳсулот тури	Сифатсиз маҳсулот фонзи	Сифатсиз маҳсулот қиймати, миңг сўм
A	1,3	2135
B	0,9	3560
C	2,4	980

Корхона бўйича яроқсиз маҳсулот ўртача фонзини аниқланг.

6.24-масала. Икки акционерлик жамияти корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

Корхона	2010 й.		2011 й.	
	1-пайв. маҳсулот салмоғи. %	1-пайв. маҳсулот қиймати, сўм	1-пайв. маҳсулот салмоғи. %	Жами ишлаб чиқарилган маҳсулот, млн.

				сўм
1	92,0	130,2	95,0	153,7
2	80,0	67,5	82,0	65,4

Акционерлик жамияти бўйича 2010 ва 2011 йилларда 1-навали маҳсулот ўртача салмоғи аниқлансин.

6.25-масала. Саавдо фирмаси буюртмалар бўлимида 3 хизматчи банд бўлиб, улар 8 соатли иш кунига эга. Биринчи хизматчи бир буюртмани расмийлаштириш учун ўртача 14 дақиқа, иккинчиси – 15, учинчиси эса – 19 дақиқа сарфлади. Бўлим бўйича ўртача бир буюртмани расмийлаштиришга қанча вақт сарфланишини аниқланг.

6.26-масала. Автокорхонанинг бир ойлик иш фаолияти қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

Автокорхона	Юкларни ташиниш учун умумий сарфлар, миң сўм	Автомобилнинг ўртача ойлик юк айланма, т./км	1 т./км нинг ўртача нархи, сўм
1	60858	4600	1890
2	142884	5400	2940
3	53460	4400	2430

Автокорхона бўйича: а) 1 т./км нинг ўртача таннархини; б) автокорхонадаги ўртача машиналар сонини; в) автомашиналарнинг ойлик ўртача айланмани аниқланг.

## 7- мавзу. ВАРИАЦИЯ КЎРСАТКИЧЛАРИ

### 1. Қисқача методик кўрсатмалари

Статистикада вариация деганда тўпلام бирликлари ўртасидаги тафовут (фарқланиш), ўзгарувчанлик тушунилади.

Вариация куйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ифодаланади.

1. Вариацион кенглик - белгининг энг катта ва энг кичик даражалари ўртасидаги фарқ кўринишида аниқланади:

$$R = X_{\max} - X_{\min}$$

2. Ўртача абсолют (мутлақ) тафовут индивидуал миқдорлар билан уларнинг ўртача миқдори ўртасидаги фарқларнинг тўпلامдаги бирликлар сони йиғиндисига бўлган нисбат натижасидир:

$$\bar{d} \uparrow \frac{\sum |X \cdot \bar{X}|}{n} - \text{оддий қаторларда};$$

$$\bar{d} \uparrow \frac{\sum |X \cdot \bar{X}| f}{\sum f} - \text{гуруҳланган қаторларда}.$$

3. Ўртача квадрат тафовут (дисперсия) - индивидуал миқдорлар билан уларнинг ўртача миқдорлари ўртасидаги фарқлар квадратининг тўпلامдаги бирликлар сони йиғиндисига бўлган нисбат натижасидир:

$$\sigma^2 \uparrow \frac{\sum (X \cdot \bar{X})^2}{n} - \text{оддий қаторларда};$$

$$\sigma^2 \uparrow \frac{\sum (X \cdot \bar{X})^2 f}{\sum f} - \text{гуруҳланган қаторларда}.$$

4. Ўртача квадратик тафовут дисперсиядан квадрат илдиз чиқариш натижасидир:

$$\sigma \uparrow \sqrt{\frac{\sum (X \cdot \bar{X})^2}{n}} - \text{оддий қаторларда};$$

$$\sigma \uparrow \sqrt{\frac{\sum (X \cdot \bar{X})^2 f}{\sum f}} - \text{гуруҳланган қаторларда}.$$

5. Вариация коэффиценти ўртача квадратик тафовутнинг ўртача миқдорга бўлган нисбати натижасига тенг:

$$v \uparrow \frac{\sigma \cdot 100}{\bar{X}}$$

Мисол. Фермер хўжалиги бўйича экин майдонларининг тақсимоти ва буғдой ҳосилдорлиги тўғрисида куйидаги маълумотлар асосида вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш билан танишиб чиқамиз:

Бугдой ҳосилдорлиги, ц/га	Экин майдони, га (f)	Интервал уртаси (X)	Xf	(X - $\bar{X}$ )	(X - $\bar{X}$ ) <sup>2</sup>	(X - $\bar{X}$ ) <sup>2</sup> f
14-16	100	15	1500	-3,4	11,56	1156
16-18	300	17	5100	-1,4	1,96	588
18-20	400	19	7600	+0,6	0,36	144
20-18	200	21	4200	2,6	6,76	1352
<b>Жами:</b>	<b>1000</b>	-	<b>18400</b>	-	-	<b>3240</b>

Уртача бугдой ҳосилдорлиги 18,4 ц/га тенг:

$$\bar{X} = \frac{\sum Xf}{\sum f} = \frac{18400}{1000} = 18,4 \text{ ц/га}$$

Энди дисперсияни аниқлаймиз:

$$\sigma^2 = \frac{\sum (X - \bar{X})^2 \cdot f}{\sum f} = \frac{3240}{1000} = 3,24$$

Уртача квадратик тафовутни ҳисоблаймиз:

$$\sigma = \sqrt{3,24} = 1,8 \text{ ц/га}$$

Вариация коэффициентини аниқлаймиз:

$$V = \frac{\sigma \cdot 100}{\bar{X}} = \frac{1,8 \cdot 100}{18,4} = 9,78\%$$

(12) Дисперсияни соддалаштирган, яъни шартли моментлар усулида ҳисоблаш, унинг математик хоссалари асосида қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\sigma^2 = \frac{\sum [(X - A)^2 / K] \cdot f}{\sum f} - K^2 \cdot (\bar{X} - A)^2,$$

бу ерда: А ихтиёрий олинган, одатда энг катта вазнга мос келган белги қиймати, сон.

К- гуруҳлар интервали ёки ихтиёрий олинган сон.

$\frac{\sum [(X - A)^2 / K] \cdot f}{\sum f}$  - иккинчи даражали момент ва  $m_2$  ҳарфи билан белгиланади.

$\frac{\sum [(X - A) / K] \cdot f}{\sum f}$  - биринчи даражали момент ва  $m_1$  билан белгиланади.

Демак, шартли моментлар усулида дисперсияни қуйидаги усулда ҳисоблаш мумкин:

$$\sigma^2 = K^2 (m_2 - m_1^2)$$

Бу усулдан тақсимот қатори тенг интервалга эга бўлган тақдирда фойдаланилади:

(13) Дисперсияни шартли моментлар усулида ҳисоблашни қуйидаги берилган мисол ёрдамида кўриб чиқамиз:

Смена мобайлида ишлаб чиқарилган газлама, м <sup>2</sup>	Гуруҳлар сони, киши f	Гуруҳлар интервали ўртаси, x	X-A	$\frac{x-A}{K}$	$\frac{(x-A)f}{K}$	$\left[\frac{(x-A)}{K}\right]^2$	$\left[\frac{(x-A)}{K}\right]^2 f$
55 гача	5	50	-30	-3	-15	9	45
55-65	15	60	-20	-2	-30	4	60
65-75	20	70	-10	-1	-20	1	20
75-85	35	80	0	0	0	0	0
85-95	15	90	10	1	15	1	15
95-105	10	100	20	2	20	4	40
<b>Жами:</b>	<b>100</b>	-	-	-	<b>-65</b> <b>+35</b> <b>-30</b>		<b>Σ = 100</b>

Бу мисолимизда  $A=80\text{м}^2$  ва  $K=10\text{м}^2$  бўлади.

$$x = A + K m_1 = 80 + 10 \cdot (-30/100) = 80 - 3 = 77\text{м}^2$$

Биринчи формула бўйича

$$\sigma^2 = \frac{\sum [(x-A)/K]^2 \cdot f}{n} - (\bar{x} - A)^2 = \frac{180}{100} - 10^2 \cdot (77-80)^2 = 180 - 9 = 171$$

$$\sigma = \sqrt{171} \approx 13,1\text{м}^2$$

Иккинчи формула бўйича ҳам шу натижага эга бўламиз:

$$\begin{aligned} \sigma^2 &= K^2 (m_2 - m_1^2) = 100 [180/100 - (-0,3)^2] = \\ &= 100 [1,8 - 0,09] = 100 [1,71] \approx 171 \end{aligned}$$

## 2. Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Белги вариацияси деганда нимани тушунасан?
2. Қандай вариация кўрсаткичларини биласиз?
3. Вариацион кенглик нима? Унинг камчиликлари нимадан иборат?
4. Ўртача абсолют тафовут қандай ҳисобланади?
5. Дисперсиянинг камчилиги нимада?
6. Ўртача квадратик тафовут қандай ҳисобланади?
7. Дисперсиянинг қандай математик хоссалари бор?
8. Дисперсиянинг соддалаштирилган (моментлар) усулида қандай ҳисобланади?
9. Дисперсия турлари ҳақида нима биласиз?
10. Альтернатив белгилар учун дисперсия қандай ҳисобланади?
11. Эмпирик корреляцион нисбат ҳақида нима биласиз?

### 3. Мисалалар

7.1-масала. Пахта теримчиларининг 2 звеносида 5 тадан теримчи кизлар ишлайди. Ҳар бир теримчи кизнинг октябрь ойида бир кунда ўртача терган пахта миқдори тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Тартиб рақами	1-звено	Тартиб рақами	2-звено
	терилган пахта, кг		терилган пахта, кг
1	140	1	135
2	155	2	150
3	175	3	170
4	180	4	185
5	190	5	200
<b>Жами:</b>	<b>840</b>	<b>Жами:</b>	<b>840</b>

Ҳар бир звено бўйича октябрь ойида бир кунда ўртача терилган пахта миқдорини аниқланг. Терилган пахта миқдори учун вариация кўрсаткичлари ҳисоблансин.

7.2-масала. Почтамтда 50 та хатнинг оғирлигини назорат қилиш натижасида қуйидаги маълумотлар олинди:

Хат оғирлиги, грамм	23	18	19	15	25	12	16	19	14	10	13
Хатлар сони, дона	5	4	2	3	6	4	2	2	7	8	7

1. Ўртача хат оғирлиги. 2. Хат оғирлиги учун вариация кўрсаткичларини аниқланг.

7.3-масала. Қуйидаги берилган маълумотлар асосида:

- 1) ўртача тариф разрядини;
  - 2) ўртача квадратик тафовутни ва вариация коэффициентини;
- а) оддий усул ёрдамида б) соддалаштирилган усул ёрдамида аниқланг.

Ишчилар тариф зари	2	3	4	5	6
Ишчилар сони, киши	4	12	32	28	24

7.4-масала. Кичик корхоналарнинг кварталлик ҳисоботларига кўра уларнинг товар маҳсулоти тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Корхоналарнинг товар маҳсулоти қиймати бўйича гуруҳланиши, млн. сўм	Корхоналар сони
4,5-5,0	14
5,0-5,5	37
5,5-6,0	45
6,0-6,5	42
6,5-7,0	28
7,0 дан юқори	16

1. Бир корхонага тўғри келадиган товар маҳсулотининг ўртача қийматини;
2. Ўртача квадратик тафовутни ва вариация коэффициентини аниқланг.

**7.5-масала.** Заводнинг механика цехи ишчйлари ишлаб чиқарган маҳсулот микдори тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Кундалик ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Ишчилар сони, киши
5-10	2
10-15	10
15-20	15
20-25	8
25-30	5
<b>Жами:</b>	<b>40</b>

- 1) Ўртача ишлаб чиқарилган маҳсулот микдорини;
- 2) Вариация кўрсаткичларини аниқланг.

**7.6-масала.** Қуйидаги берилган маълумотлар асосида:

- 1) Ўртача товарайланма ҳажмини; 2) Вариация кўрсаткичларини;
- а) оддий усул билан; б) соддалаштирилган усул ёрдамида аниқланг.

Товарайланма ҳажми бўйича дўконлар гуруҳи млн. сўм	10-20	20-30	30-40	40-50	50-60	60-70	70 ва ундаг юқори
Дўконлар сони, дона	6	7	10	15	20	11	4

**7.7-масала.** Пахта ҳосилдорлиги бўйича вилоятдаги фермер хўжаликларининг экин майдонлари тақсмоти тўғрисида берилган қуйидаги маълумотлар асосида: 1. Ҳосилдорликнинг вариация кўрсаткичларини: дисперсияни, ўртача квадратик тафовутни ва вариация коэффициентини аниқланг.

Пахта ҳосилдорлиги, ц/га	Жамига нисбатан экин майдони, % да
10-14	18
14-18	18
18-22	25
22-26	20
26-30	18
30 ва ундан юқори	1
<b>Жами:</b>	<b>100</b>

**7.8-масала.** Фермер хўжалиги экин майдонининг ҳосилдорлик бўйича тақсмоти тўғрисида, берилган қуйидаги маълумотлар асосида ҳосилдорлик дисперсиясини  $\sigma^2 = \bar{x}^2 - (\bar{x})^2$  формула асосида ҳисобланг:

Бугдой ҳосилдорлиги, ц/га	Экин майдони, гектар
14-16	100
16-18	300
18-20	400
20-22	200

**7.9-масала.** Дисперсияни, 7.4-масала шarti бўйича,  $\sigma^2 = \bar{x}^2 - (\bar{x})^2$  формула асосида ҳисобланг.

7.10-масала. Тўқувчиларнинг бир соатдаги меҳнат унумдорлиги тўғрисида берилган маълумотлар асосида:

- 1) гуруҳлар дисперсиясини; 2) гуруҳлар дисперсиясидан ўртачани;
- 3) гуруҳлараро дисперсияни; 4) умумий дисперсияни аниқланг.

Тўқувчининг табелъ номери	1 - гуруҳ						2 - гуруҳ					
	1	2	3	4	5	6	1	2	3	4	5	6
Ишлаб чиқарилган газлама, метр	13	14	15	17	16	15	18	19	22	20	24	23

7.11-масала. Цех ишчиларининг бир соатда ишлаб чиқарган маҳсулоти тўғрисида берилган қуйидаги маълумотлар асосида ишчилар меҳнат унумдорлиги умумий дисперсиясини, дисперсияларнинг қўшиш қондасини қўллаб ҳисобланг:

Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори бўйича ишчилар гуруҳи, дона	Ишчилар сони, киши	Бир ишчига либбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот, дона	Гуруҳ дисперсияси ( $\sigma_1^2$ )
9-10	10	9,5	0,25
10-12	11	11,6	0,23
12-14	16	13,4	0,23
14-17	13	16,4	0,53
Жами:	50	13,0	-

7.12-масала. Цехдаги ишчиларнинг иш стажини тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Иш стажини бўйича ишчилар гуруҳи, йил	0-2	2-4	4-6	6-8	8-10	10-12	12-14	Жами
Ишчилар сонини	6	8	12	24	17	8	5	80

- 1) ўртача иш стажини; 2) вариация кўрсаткичларини аниқланг.

7.13-масала. Озиқ-овқат дўконлари ойлик товар айланмаси ҳажми бўйича қуйидагича тақсимланган:

Озиқ-овқат дўконлари товар айланмаси ҳажми бўйича, млн. сўм	40-50	50-60	60-70	70-80	80-90	90-100	100-110	110-120	120-130	130-140
Дўконлар сонини	2	4	7	10	15	20	22	11	6	3

- 1) ойлик ўртача товар айланмаси миқдорини; 2) дисперсия ва вариация коэффициентини аниқланг.

7.14-масала. Икки участкадаги ишчиларнинг иш стажини бўйича тақсимоти қуйидагича:

Иш стажы, йил	Ишчилар сони, киши	
	1-участка	2-участка
0-5	2	7
5-10	15	25
10-15	20	12
15-20	3	8

Аниқланг: Қайси участкада ишчилар иш стажы бўйича нисбатан бир жинсли (вариация кўрсаткичлари ёрдамида).

## 8-мавзу. ТАНЛАНМА КУЗАТУВ

### 1. Қисқача методик кўрсатмалар

Ўрганилиши лозим бўлган тўпلامдан зарурий миқдордаги бирликлар махсус илмий асосланган усуллар билан танлаб олинса ва улар устида ўтказилган кузатиш маълумотлари бутун тўпلامга тарқатилса, бундай усул танланма кузатиш дейилади.

Танланма кузатишдан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

1. Вақт ва маблағни тежаш.
2. Кузатиш объектини кенгрок ва чуқуррок ўрганиш.
3. Ёлпасига (ялпи) кузатиш маълумотларини текшириш.
4. Сифати тез бузилувчи ёки қийматини бутунлай йўқотувчи маҳсулотларни текшириш.

Агар танламада бош тўпلامнинг муҳим хусусиятлари намоён бўлса, у репрезентатив дейилади. Бош тўпلام ва танланма тўпلام кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутлар репрезентативлик хатолари дейилади:

$$\Delta_{\bar{x}} = \bar{X} - \bar{X}' - \text{ўртача учун};$$

$$\Delta_p = P - W - \text{салмоқ учун}.$$

Ихтиёрий танланма кўрсаткич ( $x$ ) хатосининг юкори чегараси ( $\Delta \bar{x}$ ) унинг ўртача хатоси ( $\mu_x$ ) билан ишонч коэффициентининг ( $t$ ) кўпайтмасига тенг:

Амалий ва ўқув масалалар ечилганда яшонч коэффициентининг асосан қуйидаги қийматлари кенг қўлланилади:

t	1.00	1.96	2.00	2.58	3.00
P (t)	0.683	0.950	0.954	0.990	0.997

Танланма ўртача миқдорнинг ( $\bar{x}$ ) ўртача хатоси ( $\mu_x$ ) танлаш усуллари ва схемаларига кўра қуйидагича ҳисобланади:

Танлаш усули	Такрорланувчи	Такрорланмайдиган
Танлаш схемаси		
1. Ҳўртача учун	$\sigma_{\bar{x}} \uparrow \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}}$	$\sigma_{\bar{x}} \uparrow \sqrt{\frac{\sigma^2}{n} \left( \frac{N \cdot n}{N \cdot 1} \right)}$
2. Салмоқ учун	$\sigma_p \uparrow \sqrt{\frac{\sigma^2 (1 \cdot \cdot)}{n}}$	$\sigma_p \uparrow \sqrt{\frac{\sigma^2 (1 \cdot \cdot)}{n} \left  \frac{N \cdot n}{N \cdot 1} \right }$

Бу ерда:  $\mu$  - репрезентивликнинг ўртача хатоси.

$\sigma^2$  - танланмадаги дисперсия.

n - танланма ҳажми.

N - бош тўпلام ҳажми.

W - ушбу белгининг танланмадаги салмоғи.

Танланма тўпلامни ҳосил қилишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Тасодифий танлаш.
2. Механик танлаш.
3. Типик танлаш.
4. Сериялаб танлаш.

Мисол: Завод ишчиларининг ёшини ўрганиш мақсидан 2% ли тасодифий

такрорланмайдиган схемада кузатиш ўтказилди ва қуйидаги маълумотлар олинди. Шу маълумотлар асосида:

а) 0,997 эҳтимоллик билан завод ишчиларининг ўртача ёши ўзгариш чегараларини;

б) 0,954 эҳтимоллик билан ёши 50 дан катта бўлган ишчиларнинг салмоғи ўзгариши чегараларини аниқланг.

$A=35$  йил  $K=10$  йил

Ишчилар ёши, йил	Ишчилар сони, киши, $f$	Интервал ўртаси, $x$	$x - A$	$\frac{x - A}{k}$	$\frac{x - A}{k} \cdot f$	$(\frac{x - A}{k})^2$	$(\frac{x - A}{k})^2 \cdot f$
30 гача	8	25	-10	-1	-8	1	8
30-40	22	35	0	0	0	0	0
40-50	10	45	10	1	10	1	10
50-60	6	55	20	2	12	4	24
60 дан юқори	4	65	30	3	12	9	36
Жами:	50	-	-	-	-80 +34 26	-	78

$$\bar{x} = \frac{\sum ((x - A) / K) \cdot f}{n} \cdot K + A = \frac{26}{50} \cdot 10 + 35 = 35,2 \text{ йил}$$

$$\sigma^2 = \frac{\sum ((x - A) / K)^2 \cdot f}{\sum f} \cdot K^2 - (\bar{x} - A)^2 = \frac{78}{50} \cdot 10 - (40,2 - 35)^2 = 156 - 27,04 = 128,96$$

$$\sigma = \sqrt{128,96} = 11,36 \text{ йил}$$

$$1. \bar{x} = \bar{X} + \Delta \bar{x}$$

$$\Delta_x = t \cdot \mu_x = t \cdot \sqrt{\frac{\sigma^2}{n} \cdot (1 - n/N)} = 3 \sqrt{(128,96/50) \cdot (1 - 50/2500)} = 3 \sqrt{2,5792 \cdot 0,98} = 4,77 \text{ йил}$$

Бу ерда: { 50 - 2%

{ N - 100%

$$N = \frac{50 \cdot 100}{2} = 2500$$

Ўртача ёшнинг қуйи ва юқори чегараларини аниқлаймиз:

$$X_{ю} = \bar{X} + \Delta_x = 40,2 + 4,8 = 45,0 \text{ йил}$$

$$X_{к} = \bar{X} - \Delta_x = 40,2 - 4,8 = 35,4 \text{ йил}$$

$$X - \Delta_x < \bar{X} < X + \Delta_x$$

$$35,4 \text{ йил} < \bar{X} < 45 \text{ йил}$$

Демак, 0,997 эҳтимоллик билан таъкидлаш мумкинки, завод ишчиларининг ўртача ёши 35,4 йил ва 45 йил оралиғида жойлашган.

2.  $P = W \pm \Delta_w$  бу ерда  $W = m/n = 10/50 = 0,2$

$$\Delta_w = t_w = t \cdot \sqrt{W \cdot (1 - W) / n} \cdot \sqrt{(1 - n) / N} = \sqrt{0,2 \cdot (1 - 0,2) / 50} \cdot \sqrt{(1 - 50) / 2500} = 2 \sqrt{0,0032 \cdot 0,98} = 2 \sqrt{0,0031} = 0,11$$

$$P = 0,2 \pm 0,11$$

$$0,2 - 0,11 \leq P \leq 0,2 + 0,11$$

$$0,09 \leq P \leq 0,31$$

$$9\% \leq P \leq 31\%$$

Демак, 0,954 эҳтимоллик билан таъкидлаш мумкинки, завод бўйича ёши 50 дан ошган ишчиларнинг салмоғи 9% дан 31% гача бўлган ораликда ўзгаради.

## 2. Мустақил ишлар учун саволлар

1. Танланма кузатиш ҳақда тушунча.
2. Танланма кузатишни қўллашнинг сабаблари.
3. Танланма кузатиш ёрдамида қандай вазифалар бажарилади.
4. Танланма кузатиш хатоликлари.
5. Репрезентатив хатолик.
6. Ўртача хатоликни ҳисоблаш.
7. Танланмани ҳосил қилиш усуллари.
8. Танланма тўпلام маълумотларини бош тўпلامга тарқатиш.
9. Танланманинг зарурий миқдорини (ҳажминини) аниқлаш.

## 3. Масалалар

**8.1-масала.** Танланма кузатиш натижаларига кўра вилоятдаги текширилган 15 та чорвачиликка мослашган фермерлик хўжаликларида ҳар бир соғин сигирдан 3050 литр сут соғиб олинган. Ўртача квадратик тафовут 64 литрга тенг. 0,954 эҳтимоллик билан ўртача хатолик чегараси аниқлансин. Танлаш тасодифий такрорий усулда амалга оширилган.

**8.2-масала.** Партияда 40000 дона маҳсулот бор. Шулардан танланма йўл билан 1000 таси танлаб олинди, улардан 800 таси 1-навлик экинлиги аниқланди. 0,997 эҳтимоллик билан бутун партиядagi 1-навли маҳсулотларнинг салмоғи ўзгариш чегаралари аниқлансин.

**8.3-масала.** Исиштиш корхонасига келтирилган кўмирнинг намлик даражасини аниқлаш мақсадида турли вагонлардан тасодифий равишда 400 та намуна текшириш учун олинди ва натижада қуйидаги маълумотларга эга бўлинди:

Намлик даражаси, %	Намуналар сон
3-5	18
5-7	140
7-9	178
9-11	54
11-13	30
<b>Жами:</b>	<b>400</b>

Кўмирнинг ўртача намлик даражасини ва 0,954 эҳтимоллик билан ўртача танланма хатолик ўзгариш чегарасини аниқланг.

**8.4-масала.** Электр лампочкаларнинг сифатини ўрганиш мақсадида танланма кузатиш ўтказилди. Тасодифий равишда партиядagi 20000 та лампочкадан 400 таси танлаб олинди ва синов натижаларида қуйидаги

маълумотларга эга бўлинди:

Лампочкаларнинг ёниш вақти, соат	Лампочкалар сон
800-1000	16
1000-1200	80
1200-1400	90
1400-1600	160
1600-1800	40
1800-2000	8
2000-2200	6

Юқоридаги маълумотлар асосида қуйидагиларни аниқланг:

- 1) лампочкаларнинг танланмадаги ўртача ёниш вақти (моментлар усули ёрдамида);
- 2) 0,954 эҳтимоллик билан танланманинг вақолатли хатосини ва бутун партиядо лампочканинг ўртача ёниш вақтининг ўзгариш чегаралари;
- 3) 0,997 эҳтимоллик билан ёниш вақти 1400 дан 1600 соатгача бўлган лампочкалар салмоғи ўзгариш чегаралари.

**8.5-масала.** Хомашё сарфини назорат қилиш мақсадида тайёр маҳсулот партиясини танланма кузатиш ёрдамида текширилди. Механик усул (такрорсиз) ёрдамида маҳсулотлар вазни текширилганда уларнинг танлаб олинган 2% бўйича қуйидаги маълумотлар олинди:

Маҳсулот оғирлиги, грами	Намуналар сон, дона
2000 гача	4
2000-2050	15
2050-2100	55
2100-2150	20
2150 дан юқори	6
<b>Жами:</b>	<b>100</b>

Агар сифатли маҳсулотга вазни 2000 дан 2150 граммагача бўлган маҳсулотлар киритилса, бутун партиа учун қуйидагиларни аниқланг:

- 1) 0,954 эҳтимоллик билан сифатли маҳсулотлар салмоғи ўзгариш чегаралари;
- 2) 0,997 эҳтимоллик билан бош тўпламдаги битта маҳсулотнинг ўртача вазни ўзгариш чегаралари.

**8.6-масала.** Бир соғин сизирга ўртача тўғри келадиган сут миқдорини аниқлаш мақсадида 37 та фермер хўжалиғи ўрганилди. Натижада қуйидаги маълумотлар олинди:

Бир соғин сизирдан ўртача соғиб олинган сут, литр	Фермер хўжалиқлари сон
2000-2500	2
2500-3000	6
3000-3500	16
3500-4000	10

4000-4500	3
Жами:	37

1) 0,900 эҳтимоллик билан вилоятдан барча 240 та фермер хўжалигида бир соғин сигирдан ўртача соғиб олинадиган сут миқдорининг ўзгариш чегараларини танланма тасодифий, такрорсиз; 2) 0,954 эҳтимоллик билан ҳар бир соғин сигирдан 3500-4500 литр сут сут соғиб олиниши мумкин бўлган фермер хўжаликлар салмоғи ўзгариш чегараларини аниқланг.

**8.7-масала.** Туманда 2500 та оила истиқомат қилади. Тасодифий такорсиз усул ёрдамида 50 та оила ўрганилди ва қуйидаги маълумотлар олинди:

Ойладаги болалар сони	0	1	2	3	4	5
Оилалар сони	10	20	12	4	2	2

0,997 эҳтимоллик билан танланма ўртача хатоси ва тумандаги оилалардаги ўртача болалар сони ўзгариш чегараларини аниқланг.

**8.8-масала.** Йил мобайнида шаҳарда қонунбузарликка йўл қўйган 5000 кишидан 500 таси механиқ танлаш усули ёрдамида танлаб олинди ўрганиб чиқилди. Текширишларга кўра, 300 та қонунбузар шахс носоглом оилавий шароитда тарбиялангани маълум бўлди. 0,997 эҳтимоллик билан бутун тўпلام учун носоглом шароитда катта бўлган қонунбузарлар салмоғи ўзгариш чегаралари аниқлансин.

**8.9-масала.** Тўқимачилик фабрикасида 6000 та тўқувчи ишлайди. Ишлаб чиқариш вазиқасини бажарилишини аниқлаш учун тасодифий такрорсиз танлаш кўзда тутилган.

Бирламчи текшириш натижасида кунлик газлама ишлаб чиқариш ўртача квадратик тафовути 25 метрни ташкил қилди. 0,954 эҳтимоллик билан танланма кузатув хатоси 5 метрдан ошмаслиги учун, танланманинг зарурий миқдори қанча бўлиши зарур?

**8.10-масала.** А шаҳарда 10 минг оила яшайди. Механиқ танлаш усули билан онлада учта ва ундан ортиқ бола бўлган оилалар салмоғини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган. 0,954 эҳтимоллик билан танланманинг хатоси 0,02 дан ошмаслиги учун, танланманинг ҳажми қандай бўлиши керак, агар олдинги текширишлар натижасида дисперсия 0,2 га тенг бўлган бўлса?

**8.11-масала.** Машинасозлик заводида 5000 та ишчи ишлайди. Тасодифий такрорсиз усул ёрдамида 200 та ишчининг малакаси ўрганилди ва қуйидаги маълумотлар олинди:

Ишчилар малакаси (тарифлар разряди)	1	2	3	4	5	6
Ишчилар сони, киши	10	30	40	70	30	20

0,997 эҳтимоллик билан завод ишчиларининг ўртача тариф разряди ўзгариш чегарасини аниқланг.

8.12-масала. Электролампочкалар партиясидан спиралнинг ўртача вазнини аниқлаш мақсадида 20 фойсали тасодифий такрорсиз усулда танланма тўтилам ҳосил қилинди. Танланма натижалари қуйидагича:

Вазн, мг	38-40	40-42	42-44	44-46	Жами
Спираллар соми	15	30	45	10	100

0,954 эҳтимоллик билан, бутун партиядagi электроламчалар учун спиралнинг ўртача вазни ўзгариш чегаралари аниқлансин.

8.13-масала. Электролампочкалар заводда партиядagi 1600 та лампочкадан текшириш учун 1600 дона олинди, улардан 40 донаси брак бўлиб чиқди. 0,997 эҳтимоллик билан бутун партиядagi маҳсулотнинг брак бўлиш фойси ўзгариш чегаралари аниқлансин.

8.14-масала. Шаҳар телефон тармоғида тасодифий танлаш йўли билан 100 та кузатув ўтказилиб, бир телефон сўзлашувининг ўртача узунлиги 5 дақиқа эканлиги, ўртача квадратик тафовут 2 дақиқа эканлиги аниқланди. Ўртача телефон сўзлашувини давомийлигини аниқлашда репрезентативлик хатоси 18 сек. ўртаси ошмаслик эҳтимоллиги қандай?

8.15-масала. Шаҳар алоқа бўлимининг ўтказилган танланма кузатуви асосида шахсий хатларнинг умумий корреспонденциялар умумий ҳажмидаги салмоғини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган. Агар танланма натижаларини 1 фойс аниқликда ва уни 0,954 эҳтимоллик билан кафолатланса, танланманнинг ҳажмини аниқлаш лозим.

8.16-масала. Корхонада 1000 та ишчидаги такрорий танланма усулда 100 та ишчи танлаб олинди ва уларнинг октябрь ойидаги даромади ҳақида қуйидаги маълумотлар олинди:

Ойлик иш ҳақи, сўм	160000-200000	200000-240000	240000-280000	280000-320000	Жами
Ишчилар соми, киши	12	60	20	8	100

1) Ўртача ойлик иш ҳажми; 2) ойлик иш ҳақи 240000 сўмдан юқори бўлган ишчилар салмоғини аниқланг.

8.17-масала. Корхона цехларидан бирида иш вақтини жорий йўқотишларини аниқлаш мақсадида танланма кузатув ўтказилди. Смена мобайнида танланма кузатув ўтказилди. Смена мобайнида 64 та кузатув ўтказилиб, 6 та иш тўхтаб туриши ҳақида маълумот олинди.

0,954 эҳтимоллик билан цехдаги иш вақтини йўқотишнинг ишонч интервалини аниқланг.

8.18-масала. Ишчиларнинг иш жойига бориши учун сарфланадиган вақтни аниқлаш мақсадида тасодифий 30 фойсали такрорсиз танланма кузатув ўтказилди ва қуйидаги маълумотлар олинди:

Иш жойига боришга сарфланган вақт, дақиқа	30 гача	30-40	40-50	50-60	60-70
Ишчилар соми	70	80	200	55	45

1) 0,997 эҳтимоллик билан ишчиларнинг иш жойига бориши учун ўртача сарфлайдиган вақтни; 2) 0,954 эҳтимоллик билан иш жойига боришга 60 дақиқадан ортиқ вақт сарфлайдиган ишчилар салмоғини аниқланг.

**8.19-масала.** “Тарахқиёт” корхонасида 3000 киши ишлайди. Тасодифий такрорсиз усул ёрдамида 1000 киши ўрганиб чиқилди. Улардан 820 киши берилган кунлик топшириқни ортиги билан бажарганлиги маълум бўлди.

1. Танланма кузатув натижалари бўйича ишлаб чиқариш топширигини бажармаётган ишчилар салмоғини; 2. “Тарахқиёт” корхонасидаги иш топширигини бажармаётган барча ишчиларнинг салмоғини (0,954 эҳтимоллик билан) аниқланг.

**8.20-масала.** Шартнома бўйича тайёрланган 2000 та маҳсулотдан механик танлов асосида 30 фоиз маҳсулот текширилган ва улардан 12 таси яроқсиз деб топилган.

1) танланма натижаси бўйича яроқсиз маҳсулотлар салмоғини; 2) бутун партия учун яроқсиз маҳсулотлар ўзгариш чегараларини (0,954 эҳтимоллик билан) аниқланг.

**8.21-масала.** Шаҳар яқинига қатновчи йўловчилардан 10000 кишининг ўртача қатновчи масофасини танланма текшириш натижасида 35,5 км, ўртача квадратик тафовут эса 16,0 км эканлиги аниқланди.

1) 0,954 эҳтимоллик билан йўловчиларнинг ўртача қатнаш масофаси ўзгариш чегараларини; 2) чегаравий хато (D) қандай ўзгаради, агар эҳтимоллик 0,997 бўлса, аниқланг.

**8.22-масала.** Шаҳардаги автомобиллар шиналарини босиб ўтган йўли тўғрисида маълумот олиш мақсадида 5 фоиз такрорсиз танланма кузатув ўтказилиб, қуйидаги маълумотлар олинди:

Шиналар босиб ўтган йўл, минг км	40-42	42-44	44-46	46-48	48-50	50-52
Шиналар сони	4	8	22	26	40	20

1) 0,954 эҳтимоллик билан шиналарнинг ўртача босиб ўтган йўли ўзгариш чегараларини; 2) 0,997 эҳтимоллик билан 50 минг км дам ортиқ йўл босган шиналар салмоғининг бутун тўпламдаги ўзгариш чегараларини аниқланг.

**8.23-масала.** Супермаркетда харидорларни танланма кузатиш ёрдамида (тасодифий такрорий усулда) ўрганиш натижасида қуйидаги маълумотлар олинди:

Харид қиймати, минг сўм	10 гача	10-20	20-30	30 ва ундан ортиқ
Харидорлар сони	17	58	89	43

0,997 эҳтимоллик билан:

1) ўртача харид қиймати чегараларини; 2) 10 минг сўмгача бўлган харидлар салмоғи чегараларини аниқланг.

**8.24-масала.** Тумандаги уй хўжалиklarининг ҳажмини ўрганиш мақсадида 5 фойзли танланама кузатув ўтказилди (тасодифий, такорсиз усулда) ва қуйидаги маълумотлар олинди:

Уй хўжалиги ҳажми, киши	1	2	3	4	5	6	7
Уй хўжаликлари сони	35	94	167	53	12	4	1

0,954 эҳтимоллик билан: 1) уй хўжалиklarининг ўртача ҳажми чегараларини; 2) туман аҳолиси сонининг ўзгариш чегараларини аниқланг.

**8.25-масала.** Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг технологик талабларга жавоб беришини ўрганиш мақсадида 10 фойзли тасодифий такорсиз танланма кузатув ўтказилди ва қуйидаги маълумотлар олинди:

Маҳсулот оғирлиги, г	46	47	48	49	50	51	52
Маҳсулотлар сони, дона	46	123	158	97	36	18	12

а) 0,997 эҳтимоллик билан маҳсулот ўртача оғирлиги ўзгариш чегараларини; б) 0,954 эҳтимоллик билан оғирлиги 50 граммдан ортиқ бўлган маҳсулот ўзгариш чегараларини аниқланг.

**8.26-масала.** Шаҳарда аҳолини уй-жой коммунал хизматларига тўловини ўрганиш мақсадида такорсиз тасодифий танланма кузатув ўтказилди ва қуйидаги маълумотлар олинди:

Уй-жой коммунал хизматларига тўловлар, минг сўм	10 гача	10-20	20-30	30-40	40-50	50 ва ундан юқори
Уй хўжалиklar сони	93	190	555	335	84	18

а) 0,954 эҳтимоллик билан уй-жой коммунал хизматларига тўловларнинг ўртача қийматини; б) 0,997 эҳтимоллик билан уй-жой коммунал хизматларига 50 минг сўмдан ортиқ тўлов тўлаган уй хўжалиklar салмоғи ўзгариш чегараларини аниқланг.

**8.27-масала.** Вилоятдаги ҳар бир қирқинчи кичик корxonани танланма (механик танлаш усули) кузатиш ёрдамида қуйидаги маълумотлар олинди:

Штатдаги ходимлар сони, киши	5 тагача	6-10	11-15	16 ва ундан ортиқ
Корxonалар сони	36	18	7	2

а) 0,954 эҳтимоллик билан штатдаги ходимлар ўртача сонининг ўзгариш чегараларини; б) 0,997 эҳтимоллик билан ходимлар сони 5 тагача бўлган кичик корxonалар салмоғи ўзгариш чегараларини аниқланг.

**8.28-масала.** Фермер хўжалиklари уюшмасига қарашли хўжалиklar иссиқxonаларидан помидор ҳосили йиғиштириб олиш тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Иссиқхона	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
-----------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	----

тартиб рақами											
1	кв.м дан олиғван ҳосил, кг	9,2	8,2	8,7	8,1	8,0	9,0	8,5	9,3	8,6	8,4

0,997 эҳтимоллик билан фермер хўжаликлари уюшмаси бўйича помидорнинг ўртача ҳосилдорлигининг ўзгариш чегараларини аниқланг.

## 9-мавзу. РЕГРЕССИОН ВА КОРРЕЛЯЦИОН ТАҲЛИЛ

### 1. Қисқача методик кўрсатмалар

Ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар узвий равишда ўзаро боғланишга эга. Ушбу боғланиш ижтимоий ҳаётдаги барча ҳодисалар ва уларнинг белгилари ўзаро узлуксиз таъсир этишида ифодаланади. Шу сабабли ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда белгилар ўртасидаги боғланишни аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Баъзи белгилар бошқа белгиларга таъсир этиб, уларнинг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни айрим белгилар эркин ўзгарувчан бўлса, бошқалари эса уларга қарамдир. Шу нуқтаи назардан белгилар иккига бўлинади. Бошқа белгиларга таъсир этиб, уларнинг ўзгаришига сабаб бўладиган белги омил белгиси ва бошқа белгиларнинг таъсирида ўзгарувчи белги натижа белгиси деб аталади. Масалан, талабларнинг ўзлаштириши натижавий белги бўлиб, уларнинг дарсга қатнашиши эса омил белгиси ҳисобланади.

Белгилар ўртасидаги боғланишлар характериға кўра, икки турға бўлинади:

1. Функционал боғланиш.
2. Корреляцион боғланиш.

Омил белгиларининг ҳар бир қийматиға натижавий белгининг битта ёки бир нечта аниқ қиймати мос келса, улар орасидаги боғланиш функционал боғланиш дейилади. Масалан, доира юзаси  $S = \pi r^2$  фақат унинг радиусиға ( $r$ ) боғлиқ бўлиб, юқоридаги формула билан тўла ифодаланади.

Омилларнинг ҳар бири қийматиға замон ва маконнинг турли шароитларида натижавий белгининг аниқ қийматлари эмас, балки ҳар хил қийматлари мос келувчи боғланиш корреляцион боғланиш дейилади.

Амалий масалаларни ҳал этиш жараёнида ўрганилаётган корреляцион боғланишни ҳатто тақрибий ифодаловчи тенгламаларни аниқлаш зарурати пайдо бўлади. Статистикада корреляцион боғланишнинг тақрибий ифодасини унинг регрессия тенгламаси ёки иқтисодий-статистик модели дейилади.

Регрессия тенгламасини аниқлаш билан бир қаторда унинг корреляцион боғланишини ифодалаш даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятға эга. Чунки айрим регрессия тенгламалари боғланиш характерини етарлича ифода этмаслиги ёки бутунлай бошқача қилиб кўрсатиш мумкин.

Регрессион ва корреляцион таҳлил усулида боғланишнинг регрессия тенгламаси аниқланади ва у маълум эҳтимол (ишонч даражаси) билан баҳоланади, сўнгра иқтисодий-статистик таҳлил қилинади.

Статистикада бир омилли моделларни аниқлаш усули жуфт корреляция, кўп омилли моделларни аниқлаш усули эса кўп омилли корреляция дейилади.

Гуруҳланган маълумотлар тўплами бўйича регрессиянинг тўғри чизикли тенгламасини аниқлаш:  $y = a_0 + a_1 x$  тенглама асосида олиб борилади. Бу ерда  $a_0$  - озод ҳад,  $a_1$  - регрессия тенгламасининг коэффициенти,  $x$  - омил белгининг қийматлари,  $y$  - натижавий белги алоҳида қийматлари.

$a_0$  ва  $a_1$  параметрлари қуйидаги нормал чизикли тенгламалар тизимидан келиб чиқади:

$$\begin{aligned}n a_0 + a_1 \sum x &= \sum y \\a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 &= \sum ux\end{aligned}$$

Тизимнинг параметрларига нисбатан умумий ечими ушбу кўринишда ёзилади:

$$a_1 = \frac{\overline{xy} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{\overline{x^2} - (\bar{x})^2} \quad a_0 = \bar{y} - a_1 \bar{x}$$

1-масала. Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи 10 та корхона бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Корхоналар тартиб рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ишчиларнинг электр билан қуролланиши, квт.с	2	5	3	7	2	6	4	9	8	4
Бир ишчига нисбатан и/ч маҳсулот, млн. сўм.	3	6	4	6	4	8	6	9	9	5

Ишчиларнинг электр билан қуролланганлиги ва бир ишчига нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ўртасидаги боғланиш чизмкли бўлиб, қуйидаги тенглама билан ифодланади:

$$y_x = a_0 + a_1 x,$$

бу ерда:  $y_x$  - бир ишчига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш.

$x$  - ишчиларнинг электр билан қуролланиши.

$a_0$  ва  $a_1$  - регрессия тенгласи параметрлари.

Регрессия тенгласини аниқлаш учун ҳисобламалар жадвалини тузамиз:

Корхона тартиб рақами	Мехнатнинг электр билан қуролланиши, квт.с ( $x$ )	Бир ишчига нисбатан и/ч маҳсулот, млн. сўм	$x y$	$x^2$	$y_x$
1	2	3	6	4	3,67
2	5	6	30	25	6,0
3	3	4	12	9	4,41
4	7	6	42	49	7,59
5	2	4	8	4	3,61
6	6	8	48	36	6,80
7	4	6	24	16	5,20
8	9	9	81	81	9,19
9	8	9	72	64	8,38
10	4	5	20	16	5,20
Жами:	50,0	60,0	343	304	60
Ўртача:	5,0	6,0	34,3	30,4	-

$$y = a_0 + a_1 x$$

$a_1$  ва  $a_0$  параметрларини кичик

$$\left\{ \begin{array}{l} n a_0 + a_1 \sum x = \sum y \\ a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 = \sum ux \end{array} \right.$$

квадратлар методи ёрдамида

$$\left\{ \begin{array}{l} n a_0 + a_1 \sum x = \sum y \\ a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 = \sum ux \end{array} \right.$$

аниқлаймиз.

Тенглама параметрларини қуйидаги формулалар ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин:

$$a_1 = \frac{\overline{xy} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{\overline{x^2} - (\bar{x})^2} \quad a_0 = \bar{y} - a_1 \bar{x}$$

Агар формулаларга маълумотларни қўйсак:

$$10 a_0 + 50 a_1 = 60$$

$$50 a_0 + 304 a_1 = 343$$

биричи тенгламанинг ҳар бир ҳаддини 5 га кўпайтирамиз.

$$50 a_0 + 250 a_1 = 300$$

$$50 a_0 + 304 a_1 = 343$$

2-тенгламадан 1-тенгламани айирамиз:

$$43 = 54 a_1$$

$$\text{бу ерда: } a_1 = 43 : 54 = 0,7963$$

$a_1$  қийматини 1-тенгламага қўйсақ,  $a_0$  ни аниқлаймиз:

$$a_0 = 2,02$$

Корреляцион алоқа тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$y_x = 2,02 + 0,796 x$$

Регрессия тенгламаси параметрларини аниқлаймиз:

$$a_1 = \frac{\overline{xy} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{\overline{x^2} - (\bar{x})^2} = \frac{34,3 - 5 \cdot 6}{30,4 - 5 \cdot 6} = 0,796$$

$$a_0 = \bar{y} - a_1 \bar{x} = 6 - 0,796 \cdot 2 = 2,02$$

Регрессия тенгламаси параметрлари аниқлангандан сўнг  $y_x$  регрессиянинг назарий йўналиши  $x$  қийматларини корреляция тенгламаси алоқаси аниқланади:

$$y_1 = 2,02 + 0,796 \cdot 2 = 3,61$$

$$y_2 = 2,02 + 0,796 \cdot 5 = 6,0 \text{ ва ҳоказо}$$

Агар тенглама параметрлар тўғри аниқланган бўлса,  $\sum y = \sum y_x$  бўлади.

Регрессия коэффицентини  $a_1$ ,  $x$  ва  $y$  ўртасидаги боғланишни аниқлайди. У омил белги бир бирликка ўзгарганда (ўсганда) натижавий белги неча бирликка ўзгарагини кўрсатади. Бизнинг мисолимизда,  $a_1 = 0,796$ . Демак, электр билан таъминланганлик (бир ишчининг) 1 КВт. С га ошганда маҳсулот ишлаб чиқариш 0,796 млн. сўмга ошади.

Белгилар ўртасидаги боғланиш тўғри чизикли бўлса,  $y$  ҳолда корреляцион боғланиш зичлигини аниқлаш учун корреляция коэффицентини ҳисоблаш учун энг қулай формула қуйидаги ҳисобланади:

$$r = \frac{\overline{xy} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{\sqrt{\left( \frac{\overline{x^2} - (\bar{x})^2}{n} \right) \cdot \left( \frac{\overline{y^2} - (\bar{y})^2}{n} \right)}} \quad (1)$$

$r$  - қиймати - 1 дан + 1 гача ўзгариб корреляцион боғланишнинг зичлиги ва йўналишини кўрсатади.

Корреляция коэффицентини қуйидаги икки формула бўйича ҳам аниқлаш мумкин:

$$r = \frac{\overline{xy} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{\sigma_x \cdot \sigma_y} \quad (2) \quad r = \frac{\sum (x - \bar{x}) \cdot (y - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x - \bar{x})^2 \cdot \sum (y - \bar{y})^2}} \quad (3)$$

Агар корреляцион боғланиш шакли ва регрессия коэффицентини  $a_1$  аниқланган бўлса,  $y$  ҳолда корреляция коэффицентини қуйидагича формула асосида ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$r = a_1 \cdot \frac{\sigma_x}{\sigma_y}$$

**2-масала.** Уй ҳўжалиқларининг даромадлари ва бир ойда улар истеъмол

қилган сут миқдори (уй хўжалиги бир аъзосига нисбатан) тўғрисида берилган қуйидаги маълумотлар асосида корреляция коэффициентини аниқлаймиз:

Даромадлар (x), долл.	54	63	74	90	112	140	190
Сут истеъмол қилиш (y), кг	8	10	11	13	15	17	19

Корреляция коэффициентини аниқлаш учун қуйидаги ҳисоблаш жадвалини тузамиз:

Тартиб рақами	Уй хўжалиги даромади (x), долл.	Сут истеъмол қилиш (y), кг	xy	x <sup>2</sup>	y <sup>2</sup>
1	54	8	432	2916	64
2	63	10	630	3969	100
3	74	11	814	5476	121
4	90	13	1170	8100	169
5	112	15	1680	12544	225
6	140	17	2380	19600	289
7	190	19	3610	36100	361
Жами:	723	93	10716	88705	1329

Жадвалдаги маълумотларни корреляция коэффициентини формуласига қўйиб чиқамиз:

$$r = \frac{10716 - 723 \cdot \frac{93}{7}}{\sqrt{\left[ \frac{(88705 - 723^2)}{7} \right] \cdot \left[ \frac{(1329 - 93^2)}{7} \right]}} = 0,97$$

Корреляция коэффициентини қиймати уй хўжаликлари даромадлари ва сут истеъмоли орасида тўғри ва жуда яқин (зиқ) боғланиш борлигидан далолат бераётир.

Корреляция коэффициентини (3) формула бўйича ҳисоблаб кўрамиз:

Тартиб рақами	Оила даромади (x), долл.	Сут истеъмолли (y), кг	(x- $\bar{x}$ )	(x- $\bar{x}$ ) <sup>2</sup>	(y- $\bar{y}$ )	(y- $\bar{y}$ ) <sup>2</sup>	(x- $\bar{x}$ ) <sup>2</sup> · (y- $\bar{y}$ )
1	54	8	-49,28	2430,49	-5,28	28,09	261,29
2	63	10	-40,28	1624,09	-3,28	10,89	132,99
3	74	11	-29,28	858,49	-2,28	5,29	67,30
4	90	13	-13,28	176,89	-0,28	0,09	3,99
5	112	15	8,72	75,69	+2,28	5,29	20,01
6	140	17	+36,72	1349,89	+4,28	18,49	157,81
7	190	19	86,72	7516,89	+6,28	39,69	546,21
Жами	723	93	-	14029,4	-	107,83	485,58
Ўртача	103,28	13,28	-	3	-	-	-

Олинган натижаларни корреляция коэффициентини формуласига қўямиз:

$$r = \frac{\sum (x-\bar{x}) \cdot (y-\bar{y})}{\sqrt{\sum (x-\bar{x})^2 \cdot \sum (y-\bar{y})^2}} = \frac{485,58}{\sqrt{1429,43 \cdot 107,83}} = 0,97$$

## 2. Муस्ताқил ишлаш учун саволлар

1. Статистикада белгилар ўртасида боғланишлар қандай усуллар ёрдамида ўрганилади?
2. Функционал ва корреляцион боғланиш деганда нимани тушунаси?
3. Тўғри ва тесқари боғланишлар деганда нимани тушунаси?
Давлат бошқаруви ташкилотлари секторидаги бюджет операциялари жуда бўлмаганда марказий ҳукуматни ўз ичига олиб, бу ҳукумат давлат бюджетини ташкил этади. Кўп мамлакатларда бюджет операциялари билан минтақа ва маҳаллий бошқарув ташкилотлари (органлари) ҳам шўгулланади.

Ҳар бир даражадаги давлат бошқарув ташкилотлари қуйидаги операцияларни бажаради:

- бюджет операциялари;
- бюджетдан ташқари операциялар;
- ижтимоий сугурталаш фондлари маблағлари билан боғлиқ операциялар.

Бюджет операциялари бюджет орқали амалга оширилади. Бюджетдан ташқари операциялар эса мажбурий тўлов ва бадаллар орқали олиб борилади. Масалан: ёқилгига қўйилган махсус солиқ маблағлари йўл-транспорт ҳўжалигини сақлаб қолиш учун сарфланади.

Давлат молия статистикаси жараёнидаги операциялар касса ёки тўлов принципи асосида қайд қилинади. Олинган маблағлар ва тўловлар касса принципи бўйича молиявий ҳисоб-китоб вақтида ҳисобга олинади.

### 2. Мустиқла ишлаш учун саволлар

1. Молия статистикасининг кўрсаткичлар тизими.
2. Давлат молия статистикасининг асосий кўрсаткичлари.
3. Банк фаолияти статистикаси.
4. Пул муомаласи статистикаси.
5. Қимматли қозғалар статистикасининг асосий кўрсаткичлари.
6. Сугурта статистикаси.
7. Тежорат ва бюджет ташкилотлари молиявий статистикасининг асосий кўрсаткичлари.
8. Баҳо ва тарифлар статистикасининг кўрсаткичлар тизими.
9. Баҳо ва тарифлар динамикасидаги статистик ўрганиш.
10. Истеъмоля баҳолар ҳолатини статистик кузатиш.

11. Ишлаб чиқариш соҳасида баҳо ва тарифлар ҳолатини статистик кузатиш.

### 3. Масалалар

19.1-масала. Консерва саноати корхоналари бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Кўрсаткичлар	Қоплаш бўйича бир кунлик айланма, минг сўм		Кредитдан фойдаланиш вақти, кун	
	1 квартал	4 квартал	1 квартал	4 квартал
Самконсерва	4,8	5,0	50	40
Ташконсерва	2,4	3,0	70	60

Қуйидагиларни аниқланг:

1) кредитдан фойдаланиш вақти ўзгарувчан, ўзгармас таркибли ва таркибий силжиш умумий индекслари;

2) кредитдан фойдаланиш ўртача вақтининг мутлақ ўзгариши:

а) кредитдан фойдаланиш вақтининг ўзгариши ҳисобидан,

б) қоплаш бўйича бир кунлик айланманинг таркиби ўзгариши ҳисобидан;

3) Хулосалар ёзинг.

3. Курс USD/UZS - 900сўм. Пул операциялари бўйича фоиз ставкаси 60%. АҚШ доллари операциялари бўйича - 12%. Форвард битимини узунлиги 120 кун. Форвард курси ва маржаси аниқлансин.

19.2-масала. Туман бўйича қуйидаги маълумотлар берилган, млн. сўм.

Кўрсаткичлар	Ромиттав тумани	
	2000 й.	2011 й.
Туман ялпи маҳсулоти	511	2917
Пул массаси	80	170
шу жумладан нақд пул	39	135

Қуйидагиларни аниқланг:

1) Нақд пулнинг умумий пул массасидаги ҳиссаси;

2) Умумий пул массаси ва нақд пул бўйича пул айланиш тезлиги (айланма сонидан);

3) Нақд пулнинг айланиш тезлиги ва умумий пул массасидаги ҳиссаси ўзгариши ҳисобидан умумий пул массаси айланиш тезлигининг мутлақ ўзгариши;

4) Олинган маълумотлар бўйича қайси туманда пул муомаласи самарали ташкил этилганлиги ҳақида хулоса ёзинг.

19.3-масала. Инвесторга қуйидаги уч лойиҳа таклиф қилинмоқда. Бу лойиҳалар бўйича амортизация нормаси тенг: 20; 24 ва 28%, самарадорлик нормаси эса 16; 30 ва 36%. Ҳар бир вариант бўйича қоплаш муддати аниқлансин.

19.4-масала. Номинал қиймати 3000 сўм бўлган акция 4500 сўмга сотиб олинди ва 1 йилдан кейин 5000 сўмга сотилди. Дивидент ставкаси - 18%.

Қуйидагиларни аниқланг:

1) дивидент миқдори;

- 2) қўшимча даромад миқдори;
- 3) жами даромад суммаси;
- 4) жами даромадлилик даражаси;
- 5) рендит даражаси.

19.5-мисала. Россия рубли ва Ўзбекистон сўми ўртача курси 10.0 bid-9.850; offer-10.150. Депозитлар бўйича уч ойлик ставкалар қуйидагича;

	Bid	Offer	Ўртача ставка, %
Россия рубли	4.750	5.250	5
Ўзбекистон сўми	6.750	7.250	7

Форвард очколар bid ва offer бўйича аниқлансин.

19.6-мисала. Акционерлик корхонаси бўйича қуйидаги маълумотлар маълум, млн. сўм:

Кўрсаткичлар	1-чорак	2-чорак
Чикарилган акциялар сон, дона	40400	40400
Сотилган маҳсулотни (иш ва хизмат) ҳажми	47.8	48.1
Соф фойда (солиқсиз)	2.4	2.3
Ялпи фойда	4.3	4.4
Жами фаоллар суммаси	18.8	20.1
Акционер капитал	12.5	13.4

Қуйидагилар аниқлансин:

1. Битта акцияга тўтри келадиған фойда суммаси.
2. Акциянинг ҳисоб нархи.
3. Барча фаоллар ва акционерлик капиталининг нисбат коэффициенти.
4. Ялпи фойда ва сотилган маҳсулот ҳажмининг нисбат коэффициенти.
5. Барча фаолларни айлаиш тезлиги коэффициенти.
6. Соф фойдани ялпи фойдадаги ҳиссаси.

19.7-мисала. Акция бўйича дивидент суммаси 11 минг сўм. Зарур фойда нормаси 12%. Акциянинг курси 13 минг сўм. Акциядорлик жамияти қабул қилган қарорга биноан келгусида ҳар йили дивидент суммаси 5% ошиб боради. Акциянинг ҳақиқий қийматини ҳисобланг.

19.8-мисала. Капитал қўйилмаларнинг 3 вариантини ифодаловчи қуйидаги маълумотлар маълум (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Вариантлар		
	1	2	3
Капитал қўйилмалар	600	975	875
Йиллик маҳсулот	250	250	250
Маҳсулот таннархи	150	100	50

Ҳар бир вариант учун влоҳида нисбий (тақдослама) самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаб, энг самарали вариантни белгиланг.

19.9-масала. Форвард курси бўйича дилер 90 кундан кейин 48 млн. доллар олади. Бу операцияни қоплаш учун у банкдан кредит олиб уни спот курс бўйича немец маркасига алмаштиради ва уни 90 кунга банкка қўяди.

Валюталар	Фонд ставкаси, %	Муддат, кун	Спот курси
Доллар (олинган)	5.225	90	1.500
Марка (қўйилган)	8.112	90	

90 кундан кейин олинган ва қўйилган суммалар, ҳамда форвард курси аниқлансин.

19.10-масала. Жондорлик ишбилармон Эронга қилган экспорти учун 27 минг долларга эга бўлди. Шундан 10 минг долларини сўмга айлантириб, Пахта банкка (Жондордаги бўлимига) 86% билан уч ойга жойлаштиради. Шу пайтнинг ўзида сўмга доллар сотиб олиш фьючерс шартномасини тузди. Курс USD/UZS - 850-960. Жондорлик ишбилармоннинг умумий даромади ва шу битим бўйича соф даромад миқдори аниқлансин.

19.11-масала. Қуйидагилар берилган, минг сўм:

Тармоқ	Кредит ўртача қолдиғи Ф		Қайтарилган кредит О <sub>н</sub>	
	Базис йили	Ҳисобот йили	Ҳисобот	Базис йили
I	250	270	2070	2050
II	110	120	1070	1052

Кредитнинг фойдаланиш муддати ўзгарувчан, ўзгармас ва таркибий силжиш индексини топинг.

19.12-масала. BRC (крузейро)/ZAR (рэнд) аутрайт битими бўйича валюталаш муддати 3 ой 27 кун. Форвард очколари учинчи ой учун 41-51 гача, тўртинчи ой учун 67-77гача. Форвард очколари ҳисоблансин.

19.13-масала. Берилган (млрд. сўм)

Кўрсаткич	Ўтган йили	Жорий йил
ЯИМ		
жорий баҳоларда	171,5	612
ўзгармас баҳоларда	171,5	150
Пулниг йиллик ўртача массаси	34,3	102

Қуйидагиларни аниқланг:

- 1) Пул айланма сони ва бир айланманинг кунлардаги давомийлиги.
- 2) ЯИМ нинг дефлятор индекси.
- 3) ЯИМ индекси (жорий ва ўзгармас баҳоларда), пул массаси индекси ва пул айланмаси индекси.

19.14-масала. Кредит муассасининг даромад ва харажатлари ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган, млрд. сўм:

Кўрсаткичлар	Ўтган давр	Жорий давр
Жами даромад	51.8	58.1
Жами харажат	30.7	27.3
Устав фонди	100.3	99.6

Фойда суммаси, муасаса ва хизмат рентабеллиги даражасини аниқлаёт.

19.15-масала. Россия рубли ва Ўзбекистон сўми ўртача курси 10.0 bid-9.850; offer-10.150. Депозитлар бўйича уч ойлик ставкалар қуйидагича:

	Bid	Offer	Ўртача ставка
Россия рубли	4.750	5.250	5
Ўзбекистон сўми	6.750	7.250	7

Форвард очколар bid ва offer бўйича аниқлансин.

19.16-масала. 4 йил давомида миқдор банкдан 40 млн. сўм олди. Омонатга 16 фоиздан қўшимча ёзилган (мураккаб фоизларда). Омонатнинг бошлангич суммаси қанча бўлган?

Акционерлик корхонаси бўйича қуйидаги маълумотлар маълум, млн. сўм.

Кўрсаткичлар	1-чорак	2-чорак
Чикарилган акциялар соми, дона	40400	40400
Сотилган маҳсулотни (иш ва хизмат) ҳажми	47.8	48.1
Соф фойда (солиқсиз)	2.4	2.3
Ялпи фойда	4.3	4.4
Жами фаоллар суммаси	18.8	20.1
Акционер капитал	12.5	13.4

Қуйидагилар аниқлансин:

1. Битта акцияга тўғри келувчи фойда суммаси.
2. Акциянинг ҳисоб нархи.
3. Барча фаоллар ва акционерлик капиталининг нисбат коэффициенти.
4. Ялпи фойда ва сотилган маҳсулот ҳажмининг нисбат коэффициенти.
5. Барча фаолларнинг айланиш тезлиги коэффициенти;
6. Соф фойданинг ялпи фойдадаги ҳиссаси.

19.17-масала. Вилоят бўйича қуйидаги шартли маълумотлар берилган, млрд. сўм:

Кўрсаткичлар	Ўтган давр	Жорий давр
Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар қиймати	212.8	319.5
Ялпи ички маҳсулот	112.8	162.9
Ялпи миллий маҳсулот	108.5	153.4
Фойдаланилган миллий даромад	85.1	133.9
Давлат бюджети даромади	62.2	91.1

Давлат бюджети даромадлари даражасини ўзгариши ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизматлар) ҳажми ўзгариши, ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)да ялпи ички маҳсулот ҳиссасини ўзгариши, ялпи ички ва миллий маҳсулот нисбатининг ўзгариши, ялпи миллий маҳсулотда фойдаланилган миллий даромад ҳиссасини ўзгариши, миллий даромадда давлат бюджети даромадлари ҳиссаси ўзгариши ҳисобидан амалга ошган ўзгаришларни ҳисобланг ва ҳулоса ёзинг.

19.18-масала. Акционерлик жамияти устав фондининг (44 млн.сўм) 60 фоиз оддий акциялар, 40 фоизи эса нўтиёзли акциялардан ташкил топган.

Акционерлар ўртасида тақсимланадиган фойда суммаси 5.5 млн. сўмни ташкил қилади. Имтиёзли акциялар бўйича фойз ставкаси 12 фойз. Оддий акциялар эгалари қанча дивидент олади?

19.19-масала. Номинал баҳоси 2000 сўм бўлган акция 2200 сўмга сотиб олинди ва 2 йилдан кейин биржада сотилди. 1 йилда акция рендити 16% ни ташкил этди, 2 йилда дивиденд 30 % ни ташкил этган ҳамда акция курси 1,3 мартага ўсган бўлса, акциянинг даромадлилик даражасини аниқланг.

19.20-масала. Ишлаб чиқариш корхонаси бўйича қуйидаги маълумотлар берилган (млн.сўм):

Кураткичлар	Ўтган давр	Жорий давр
1. Пул маблағлари	4600	4650
2. Юборилган товарлар қиймати	1200	860
3. Дебиторлик қарзлари	400	680
4. Товар-моддий қадриятлар	8615	9112
5. Қисқа муддатли ссудалар	4618	4811
6. Ишловчиларга меҳнат ҳақи бўйича қарзлар	890	1010
7. Кредитор қарзлар	1200	1419

Қуйидагилар аниқлансин: 1. Тез сотиладиган фўоллар суммаси. 2. Ликвидли (айланма маблағлари) суммаси. 3. Қопланувчи қарзлар суммаси. 4. Ликвидлик коэффиценти. 5. Қоплаш коэффиценти.

19.21-масала. Инвесторга қуйидаги уч лойиҳа таклиф этилмоқда: 1. Бошланғич инвестиция суммаси 60 млн. сўм. Бу лойиҳада қутиладиган соф даромад суммаси 20 млн. сўмга тенглиги аниқланди. Иккинчи ва учинчи лойиҳалар тегишли равишда: 80 ва 20; 20 ва 10. Ҳар бир вариант учун қоплаш муддатини аниқланг. Қайси вариант бошқаларига нисбатан афзал?

19.22-масала. Қуйидагилар берилган, млн. сўм:

Тармоқ	Ўртача кредит қолдиғи Ф		Қайтарилган кредит О <sub>н</sub>	
	Базис йили	Ҳисобот йили	Ҳисобот	Базис йили
I	250	270	2070	2050
II	110	120	1070	1052

Кредитнинг фойдаланиш муддати ўзгарувчан, ўзгармас ва таркибий силжиш индексини топинг.

19.23-масала. Банкдан 60 млн. сўмлик узоқ муддатли кредит 6 йилга олинди. Фойз ставкаси 12%. Шартнома бўйича кредитни қоплаш тенг муддатли тўловларда амалга ошириш кўзда тутилган. Тенг муддатли тўловлар суммасини аниқлаб, қоплаш режасини тузинг.

19.24-масала. Инвесторга қуйидаги уч лойиҳа таклиф этилмоқда: 1. Бошланғич инвестиция суммаси 60 млн. сўм. Бу лойиҳада қутиладиган соф даромад суммаси 20 млн. сўмга тенглиги аниқланди. Иккинчи ва учинчи лойиҳалар тегишли равишда: 80 ва 20; 20 ва 10. Ҳар бир вариант учун қоплаш муддатини аниқланг. Қайси вариант бошқаларига нисбатан афзал?

19.25-масала. Азимбобо фермер хўжалигида 1 тонна бугдой ештириш таннарни 800 сўм режалаштирилган эди. Ҳақиқатда эса бир тонна бугдой таннарни 700 сўмга айланди. Утган йилда бугдой таннарни 650 сўм эди. Фермер жорий йилда 150 тонна бугдой ештирди. Режа топшириги, бажарилиши ва динамика индеклари, ҳамда бугдой таннарни ўзгарishi ҳисобидан тежаб қилинган (ортиқча харажат) суммаси аниқлансин.

19.26-масала. Ишчи объектлар ва уларга сарфланган маблағлар ҳақида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Объектлар	Ишга тушган вақт	Сарфланган маблағ, млн. сўм	Лойиҳадаги қувват, млн. метр
А	17.01.2011 й.	27,2	400,9
Б	26.04.2011 й.	20,8	360,7
В	25.11.2011 й.	14,7	254,5
Г	25.08.2011 й.	11,1	189,7

Объектларнинг йиллар бўйича олган фойдаси ҳақида қуйидаги маълумотлар маълум (млн. сўм)

Йиллар	Вариантлар			
	А	Б	В	Г
2006	-	-	-	-2,0
2007	2,4	-0,5	-	4,0
2008	6,0	1,6	1,2	8,0
2009	7,2	4,0	3,0	6,1
2010	7,9	8,0	5,0	5,0
2011	8,0	10,0	6,4	9,5

Қоплаш муддати ҳар бир вариант бўйича алоҳида аниқланиб, ҳулосалар ёзилсин.

19.27-масала. Икки туман бўйича қуйидаги маълумотлар берилган, млн. сўм.

Кўрсаткичлар	Жондор тумани		Ғомитан тумани	
	Утган давр	Жорий давр	Утган давр	Жорий давр
Туман ағли маҳсулоти	468	780	511	917
Пул массаси	110	100	80	70
шу жумладан нақд пул	40	36	39	35

Қуйидагиларни аниқланг: (ҳар бир туман учун алоҳида)

- нақд пулнинг умумий пул массасидаги ҳиссаси;
- умумий пул массаси ва нақд пул бўйича пул айланиш тезлигини (айланмалар сониди);
- нақд пулнинг айланиш тезлиги ва унинг умумий пул массасидаги ҳиссаси ўзгарishi ҳисобидан умумий пул массаси айланиш тезлигининг мутлақ ўзгарishi;
- олинган маълумотлар бўйича қайси туманда пул муомаласи самарали ташкил этилганлиги ҳақида ҳулоса ёзинг.

19.28-масала. Корхона харажатлари: моддий харажатлар 560 млн. сўм, иш ҳақи ва ижтимоий ажратмалар – 450, амортизация – 200, бошқа харажатлар –

81. Фойда суммаси 500 млн. сўм. Устав фонди 20,0 млн. сўм. Инвестиция миқдори 560 млн. сўмга тенг. Самардорлик нормаси 0,15. Келтирилган харажатлар суммаси аниқлансин.

19.29-масала. Жондор консерва заводи ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун, 5 йил ичида 300 млн. сўмлик захира фондиди ташкил этиш учун қарор қабул қилди. Бу фондга 82,4 млн. сўм ўтказиш қобилиятига эга. Бу сумма шартнома асосида 20 фоиз билан банкка жойлаштирилади. Жондор консерва заводи тўлайдиган бадаллари ҳар чоракда бир марта капиталлаштирилган шароитда рентанинг ҳозирги қийматини ҳисобланг.

19.30-масала. Инвестициядан олинган фойда ва кузатилган воқеалар сони ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

1-вариант		2-вариант		3-вариант	
Фойда миқдори, млн.сўм	Воқеалар сони	Фойда миқдори, млн.сўм	Воқеалар сони	Фойда миқдори, млн.сўм	Воқеалар сони
4	7	12	20	2	8
6	15	18	40	3	16
7	9	21	19	4	10

1. Ҳар бир вариант учун алоҳида вариация кўрсаткичларини ҳисобланг: а) ўртача квадрат четланишни; б) ўртача квадратик четланишни; в) вариация коэффицентини; г) хулосалар ёзинг.

19.31-масала. Консерва заводларининг акциялари баҳоси бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Корхоналар	Акция баҳоси, сўм			
	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Самарқанд консерва корхонаси	300	280	284	260
Тошкент консерва корхонаси	400	401	390	395
Қўқон консерва корхонаси	215	216	200	217

Пайшанба кунин Самарқанд консерва заводида акциянинг бўлинишини ҳисобга олган ҳолда Доу-Джонс индекси аниқлансин

19.32-масала. Қуйидаги маълумотлар берилган (млн.сўм)

Маҳсулот тури	Ишлаб чиқариш ва сотиш харажати		Маҳсулот сотишдан олинган фойда	
	I кв	IV кв	I кв	IV кв
А	4,0	6,0	1,2	2,4
Б	2,4	1,5	0,5	0,4
Жами	6,4	7,5	1,7	2,8

Қуйидагиларни аниқланг: 1. Алоҳида ҳар бир маҳсулот ва иккаласи учун биргаликда рентабеллик даражаси. 2. Рентабеллик даражасининг ўзгарувчан, ўзгармас таркибли ва таркибий силжишлар индекслари. 3. Ҳисобланган индекслар натижаси бўйича хулосалар ёзинг.

**19.33-масала.** Ангрен тоғ-металлургия комбинатининг шахталари иш фаолияти куйидаги рақамларда ифодаланган.

Шахталар	Ўтган давр		Жорий давр	
	кўмир қазиб олиш, т.	кўмир таннархи, минг. сўм	кўмир қазиб олиш, т.	кўмир таннархи, минг. сўм
1	5000	12,6	5120	12,9
2	6000	12,0	7400	11,8
3	9000	12,3	12520	11,9

Таннарх бўйича ўзгарувчан, ўзгармас таркибли ва таркибий силжиш индекслари аниқлансин.

**19.34-масала.** ТМИ студенти Дониёр Саидов 25 фоизли дивидендга эга бўлган акцияни 1500 сўмга (номинал) сотиб олди. Банк фоизини учет ставкаси - 20%. Студент Д. Саидов акциясийнинг курс қийматини ҳисобланг.

**19.35-масала.** Шартнома бўйича фирма ўз қарзини (700 минг сўм) икки тўлов билан қоплаши керак. Биринчи тўлов 90 кундан кейин, иккинчи - 120. Тўлов суммалари тегишли равишда 400 ва 300 минг сўм. Фоиз ставкаси (соғда ставкаларда) - 42% (йиллик). Йил 360 кун. Фирманинг шароити бўлмаганлиги туфайли кредитор билан қоплаш муддатини 180 кунга узайтиришга келишди ва тўловлар бирлаштириладиган бўлди, яъни қарз битта тўлов билан қопланади. Бирлаштирилган тўлов суммаси аниқлансин.

**19.36-масала.** 45 фоиз дивиденд ставкаси билан акция 1200 сўмга (номинал) сотиб олинган. Бир йилдан кейин акцияни курси 9% га пасайганлиги муносабати билан уни эгаси сотиб юборади.

Куйидагиларни аниқланг: 1) дивиденд миқдори; 2) курснинг пасайиши ҳисобидан кўрилган зарар миқдори; 3) жами даромад суммаси ва даромадлилик даражаси.

**19.37-масала.** Азимбобо фермер хўжалигида 1 тонна бугдой етиштириш таннархи 800 сўм режалаштирилган эди. Ҳақиқатда эса бир тонна бугдой таннархи 700 сўмга айланди. Ўтган йилда бугдой таннархи 650 сўм эди. Фермер жорий йилда 150 тонна бугдой етиштирди. Режа топшириғи, бажарилиши ва динамика индекслари, ҳамда бугдой таннархи ўзгариши ҳисобидан тежаб қилинган (ортиқча харажат) суммаси аниқлансин.

**19.38-масала.** Инвестор ўз заводини қайта жиҳозлаши учун янги асбоб-ускуналар сотиб олиши ва ўрнатиши зарур. Уларнинг қиймати 120 млн.сўм ташкил этди. Бу сумма банкдан кредитга олинади. Кредит муддати 5 йил. Ҳисоб-китобларга кўра сотиб олинган асбоб-ускуналарни уч йилдан сўнг қайта созлаш зарурати пайдо бўлади. Бу иш қиймати 32 млн.сўм ташкил қилади. Кредит муддатида пулларнинг тушуми куйидагича режалаштирилган (йиллар): 5,56; 11,1; 27,8; 22,2; 16,7; 14,4 млн.сўм. Фоиз ставкаси 10% тенг.

Соф жорий қиймат миқдорини ҳисобланг.

**19.39-масала.** Банк ғишт заводига 5 йилга 50 млн. сўмлик кредит берди. Шартнома фоиз ставкаси 17% белгиланган ва асосий қарз суммаси тенг тўловлар билан қопланади. Қоплаш режасини тузинг.

19.40-масала. CAD/KZT аутрайт битими бўйича валпоталаш муддати 71 кун. Форвард очколари иккинчи ой учун 51-67 гача, учинчи ой учун-75-85 гача. Форвард очколарини ҳисобланг.

19.41-масала. Нафақа фондига бир хил миқдорда (300минг сўм) ҳар йили пул ўтказилди. Фонд эса тушадиган маблағни 16% ставка билан банкка жойлаштиради. Тўлов муддати 25 йил. Бутун муддат учун рентанинг ошган қийматини аниқланг.

19.42-масала. 6 йилда қайта соzлашни талаб этмайдиган асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш қиймати 700 млн.сўм. Пул тушумлари режаси: 1-йил – 125; 2-йил – 100; 3-йил – 75; 4-йил – 70; 5-йил – 50; 6-йил – 30 млн. сўм. Дисконт ставкаси 7.77% тенг. Соф жорий қийматни ҳисобланг.

19.43-масала. Ялпи ички маҳсулот ва пул массаси ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган, млрд. сўм.

Кўрсаткичлар	Ўтган давр	Жорий давр
Ялпи ички маҳсулот:		
жорий баҳоларда	27,1	105,7
солиштирма баҳоларда	25,4	101,5
Муомилдаги пул массаси	5,4	10,5

Қуйидагиларни аниқланг: 1) пул массасининг айланиш тезлиги; а) айланмалар сонига; б) кунларда; Кредит бўйича қолган қарзлар қолдиги ва қопланган айланма ҳақида қуйидаги маълумотлар маълум (млн. сўм): 2) дефлятор-индекслари; 3) ялпи ички маҳсулот (жорий баҳоларда), пул массаси ва унинг айланиш тезлиги индекслари; 4) ҳисобланган индексларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатинг.

19.44-масала. Банк миқдози 120 кундан кейин мавжуд фунт стерлингда Ҳиндистон рупийсини сотиб олмақчи. Битим кундаги курс GRP/INR-1,50-1,65. Уч ойлик фоиз ставкалари

Кўрсаткичлар	Талаб	Тақлиф
Фунт стерлинг (Англия)	3,11	3,43
Рупия (Ҳиндистон)	9,17	9,98

Форвард очколари ва курси аниқлансин.

19.45-масала Кредит бўйича қолган қарзлар қолдиги ва қопланган айланма ҳақида қуйидаги маълумотлар маълум (млн. сўм):

Корхона	Қарз қолдиқлари							Айланма ҳажми	
	01.07	01.08	01.09	01.10	01.11	01.12	01.01	III кв	IV кв
А	50	43	47	40	45	37	48	303	287
Б	117	107	103	110	116	123	130	333	273
В	100	86	94	80	90	75	95	250	300

Ҳар бир корхона учун ва учала корхона бўйича биргаликда қуйидагиларни аниқланг: 1) ўртача кредит қолдиқлари (III ва IV кварталларга);

2) кварталлар ва ярим йил учун кредит айланиш тезлиги (айланма сонига ва кунларда), 3) ҳисобланган кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб, хулосалар ёзинг.

**19.46-масала.** Туманда жорий йилда ишлаб чиқарилган ва сотиладиган: саноат маҳсулоти қиймати - 400 млн. сўм; кишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати-810 млн. сўм; қолган ишлаб чиқарувчи тармоқлар маҳсулоти қиймати - 89 млн. сўмга тенг. Ўтган йил ишлаб чиқарилган маҳсулотдан жорий йилда сотилгани, тегишли равишда - 12, 44, 11 млн. сўм. Жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотдан сотилмасдан қолган қисми, тегишли равишда - 25, 32, 7. Ўзаро қопланувчи тўловлар - 102 млн. сўм. Туман бўйича пул массаси жорий йилда 3,8 марта айланган. Туман учун зарур бўлган пул бирлигини аниқланг.

**19.47-масала.** Акционерлик жамияти устав фондининг (44 млн. сўм) 60 фоиз оддий акциялар, 40 фоизи эса имтиёзли акциялардан ташкил топган. Акционерлар ўртасида тақсимланадиган фойда суммаси 5,5 млн. сўмни ташкил этди. Имтиёзли акциялар бўйича фоиз ставкаси - 12%. Оддий акциялар эгалари қанча дивиденд олади?

**19.48-масала.** Жондор тумани бўйича қуйидаги шартли маълумотлар келтирилган:

	Режа	Ҳақиқий
Мулк солиғи, млн. сўм.	7,8	10,3
Солиқ ставкаси, %	4,3	4,0
Мулк суммаси, млн. сўм.	181,9	257,5

Солиқ суммасини солиқ ставкаси ва базасининг ўзгариши ҳисобидан ўзгарганлиги аниқлансин.

**19.49-масала.** Банк гишт заводига 5 йилга 50 млн. сўмлик кредит берди. Контрактда фоиз ставкаси 17% белгиланган ва асосий қарз суммаси тенг тўловлар билан қопланади. Қоплаш режасини тузинг.

**19.50-масала.** Акция бўйича дивиденд суммаси 11000 сўм. Зарур фойда нормаси-12%. Акциянинг курси 13000 сўм. Акциядорлик жамияти қабул қилган қарорга биноан келгусида ҳар йили дивиденд суммаси 5% ошиб боради. Акциянинг ҳақиқий қийматини ҳисобланг.

**19.51-масала.** Шартнома бўйича фирма ўз қарзини (700 минг сўм) икки тўлов билан қоплаши керак. Биринчи тўлов 90 кундан кейин, иккинчи -120. Тўлов суммалари тегишли равишда 400 ва 300 минг сўм. Фоиз ставкаси (соғда ставкаларда) - 42 % (йиллик). Йил 360 кун. Фирманинг шароити бўлмаганлиги туфайли кредитор билан қоплаш муддатини 180 кунга узайтиришга келишди ва тўловлар бирлаштирилаётган бўлди, яъни қарз битта тўлов билан қопланади. Бирлаштирилган тўлов суммаси аниқлансин.

**19.52-масала.** Мамлакатда йиғиладиган бевосита солиқлар бўйича қуйидаги маълумотлар берилган (рақамлар шартли).

	Ўтган давр	Ҳисобот давр
Жисмоний шахслардан тadbиркорлик фаолияти учун олинладиган солиқ, млрд. сўм	10,1	14,2
Солиқ ставкаси, %	8,1	7,9
Tadbиркорларнинг йиллик даромади, млрд. сўм	124,7	179,7

Жисмоний шахслардан тadbиркорлик фаолияти учун олимпиадиган солиқ бўйича солиқ суммаси, солиқ базаси ва ставкасини ўзгариши ҳисобидан ортган қиймати аниқлансин.

19.53-масала. Азим бобо фирмаси банкдан ярим йилга 16 млн. сўмлик ссуда олган. Ссудани коплаш суммаси 20 млн. сўм. Банк қандай фоиз ставкаси билан ссуда берди?

19.54-масала. Омонатчи 2 йилдан кейин 420 минг сўм олиши керак. Фоиз ставкаси 47% белгиланган. Омонатчи банкка қўйиладиган суммани аниқланг.

19.55-масала. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

Тармоқлар	Кредитнинг ўртача қолдиғи, млн. сўм.		Кредит айланмалари сони	
	Ўтган давр	Жорий давр	Ўтган давр	Жорий давр
Дехқончилик	130	135	5	6
Чорвачилик	70	90	6	7

Қуйидагиларни аниқланг: 1. Кредит айланмалари сони бўйича ўзгарувчан, ўзгармас таркибли ва таркибий силжишлар умумий индекслари. 2. Кредит айланмаларининг мутлак ўзгариши. а) кредит айланиши тезлиги ҳисоби. б) Кредит ўртача қолдиқлари ўзгариши ҳисобидан.

19.56-масала. Ишбилармон Нигора ўртоғи Дилдордан ўз машинасини гаровга қўйиб, 8 млн. сўм қарз олди. Қарзни қайтариб бериш шarti 1,2 коэффициент билан. Қарздорнинг қайтариб берувчи суммаси ва фоиз ставкасини аниқлансин.

19.57-масала. Консерва саноати корхоналари бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:

	Қоплаш бўйича бир кунлик айланма, минг сўм		Кредитдан фойдаланиш вақти, кун	
	1-чорақ	4-чорақ	1-чорақ	4-чорақ
Самконсерва	4,79	4,90	50	40
Ташконсерва	2,49	2,48	70	60

Қуйидагиларни аниқланг:

- 1) кредитдан фойдаланиш вақти ўзгарувчан, ўзгармас таркибли ва таркибий силжиш умумий индекслари;
- 2) кредит ўртача қолдиғининг мутлак ўзгариши:
  - а) кредитдан фойдаланиш вақти ўзгариши ҳисобидан;
  - б) коплаш бўйича бир кунлик айланманинг ўзгариши ҳисобидан.

## 20-мавзу. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ СТАТИСТИКАСИ

### 1. Қисқача методик кўрсатмалар

Турмуш даражаси мураккаб иктисодий категория бўлиб, у бирор-бир алоҳида кўрсаткич билан ифодаланмайди. Шу сабабли БМТнинг Статистика комиссияси қуйидаги кўрсаткичларни тавсия этади:

- а) аҳолининг демографик тавсифи (туғилиш, вафот этиш, касал бўлиш, умрининг ўртача давомийлиги);
- б) санитария-гигиена шароитлари;
- в) озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси;
- г) уй-жой ҳамда узоқ муддат давомда фойдаланилувчи жиҳозлар (автомобиль, музлатгич, телевизор ва ҳоказо) билан таъминланганлик;
- д) таълим ва маданият;
- е) бандлик ва меҳнат шароитлари;
- ж) аҳолининг даромад ва харажатлари;
- з) яшаш қиймати ва истеъмол нархлари;
- и) транспорт воситалари;
- к) дам олиш, жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилиш;
- л) ижтимоий таъминот;
- м) инсон эркинлиги.

Турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлардан бири сифатида аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқарилиши (АҚШ доллари ёки Еврода) қўлланилади. Бироқ фақат бу борадаги кўрсаткичларнинг ўзи турмуш тарзи ҳақида старлича маълумот бера олмайди. Шу сабабли ундан халқаро таққослашларда жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак.

Турли мамлакатларнинг статистика амалиётида аҳолининг турмуш тарзини ўрганиш учун кўпинча қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- номинал ва реал иш ҳақи;
- аҳолининг номинал ва реал даромадлари;
- аҳоли харажатлари ва жамғармалари;
- аҳолининг уй-жой ва узоқ муддат фойдаланиладиган жиҳозлар билан таъминланганлиги;
- озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг энг зарур турларини истеъмол қилиш даражаси;
- бандлик ва ишсизлик даражаси;
- меҳнат шароитлари кўрсаткичлари;
- таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, туризм ва дам олиш кўрсаткичлари.

Халқаро статистикада ўртача иш ҳақи бир ишчига эмас, балки бир киши/соатга нисбатан ҳисобланади. Бу жаҳоннинг кўп мамлакатларида ишчиларнинг катта қисми тўлиқсиз иш вақти билан банд эканлиги билан изоҳланади.

Аҳолининг даромадлари иш ҳақидан ташқари бошқа манбалардан олинган барча пул ва натурал кўринишдаги даромадларни ўз ичига олади. Уларга қуйидагилар мансуб:

1. Иш ҳақи шаклида бўлмаган машғулотлардан олинмаган даромадлар (чайчақа, қалам ҳақи, шахсий томорка хўжалигидан олинган даромад, яқка тарзда меҳнат фаолиятини юритиш туфайли олинган даромад).

2. Корхоналардан бериладиган иш ҳақи шаклида бўлмаган даромад (моддий ёрдам, корхонадан кетганда тўланувчи пул ва ҳоказо).

3. Нафақалар, стипендиялар, компенсация ва товон тўловлари.

4. Хусусий мулкдан олинган даромад (фоиз, рента, дивиденд, ижарага беришдан тушган даромад ва ҳоказо).

5. Ютуқлар, мерос, совга, сугурта тўловлари.

6. Норасмий ва яширин фаолият туфайли олинган даромад; хориждан олинувчи даромад (ойлик иш ҳақи, нафақа, стипендия, грантларни ўтказиш; инсонпарварлик ёрдами ва ҳоказо).

Иш ҳақи ҳам, аҳолининг даромадлари ҳам икки хил вариантда аниқланиши мумкин:

1. Номинал сифатида.

2. Реал тарзда.

Номинал иш ҳақи ва номинал даромадлар бу кўрсаткичларнинг жорий нархларда акс эттирилишидир. Реал иш ҳақи ва реал даромадлар ўз иш ҳақи ва даромадларига сотиб олиш мумкин бўлган моддий неъмат ва хизматлар суммасини тавсифлайди. Реал ва номинал даромад (иш ҳақи) ўтасида қуйидагича алоқалар мавжуд:

$$R_{\text{реал иш ҳақи}} = N_{\text{реал иш ҳақи}} + J_{\text{ис. б.и.и}}$$

Бу ерда:  $R_{\text{реал иш ҳақи}}$  - реал иш ҳақи ёки даромад;

$N_{\text{реал иш ҳақи}}$  - номинал иш ҳақи ёки даромад;

$J_{\text{ис. б.и.и}}$  - истеъмол нархлари индекси.

Истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш мураккаб ҳамда муаммоли вазифа ҳисобланади. Бироқ уни ҳал этиш жуда катта амалий аҳамиятга эга. Маълумки, исталган мамлакатда юз минглаб ва миллионлаб истеъмол маҳсулотлари ва хизмат турлари мавжуд. Шу сабабли нархлар индексини ҳар бир хизмат ёки товар учун аниқ ҳисоблаб чиқишнинг иложи йўқ. Бундан келиб чиққан ҳолда товар-намуна усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

Истеъмол нархларининг жамланма индекси гуруҳлардаги нарх индекслари ҳар бир гуруҳнинг ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ва хизматлар қийматидаги салмоғига кўра солиштириш йўли билан аниқланади:

$$J_{\text{ис. б.и.и}} = \frac{\sum I_i \cdot P_i}{\sum P_i} = \frac{\sum P_i \cdot I_i}{\sum P_i}$$

БМТ нинг Статистика қўмитаси томонидан тавсия этилган умумий кўрсаткичлардан бири даромадлар концентрацияси коэффицентидир. У кўпроқ “Джини индекси” номи билан танилиб, тақсимлашнинг амалдаги четга огишлари даражасини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, агар бирор мамлакат аҳолисининг ўртача даромади маълум бўлса, аҳолининг маълум бир гуруҳи даромадларини мамлакатдаги ўртача даромадга бўлиш йўли билан даромадлар концентрацияси коэффицентининг неча фоизга ошганлигини осонгина ҳисоблаш мумкин.

Аҳолининг жамғармалари унинг даромадлари ва жорий харажатлари орасидаги фарқни англатади. Жамғармалар пул ёки натурал кўринишида бўлиши мумкин. Пул жамғармалари аҳоли кўлидаги пул маблағларининг ўсиши ёки қимматбаҳо қоғозларга (акция, облигация, сертификат ва ҳоказо) киритилган маблағларнинг ўсишини англатади. Натурал кўринишдаги жамғармалар аҳолига тегишли бўлган ер майдонлари, асосий капитал (уй-жой, хўжалик иншоотлари, транспорт ва ҳоказо) ва моддий захираларнинг ортишини англатади.

Аҳолининг уй-жой шароитларини тавсифлашда халқаро статистика биринчи ўринда уй-жой эгаларини ажратиб кўрсатади. Бу мақсадда жами уй-жой фонди хусусий (ундан ўз эгаси фойдаланган ҳолда), ижарага олинган ва давлатга тегишли турларга бўлинади. Айрим оилалар бир нечта уй-жойга эга бўлганликлари сабабли (баъзан бошқа шаҳар ва давлатларда) статистикада бирламчи резиденция (эгаси ўз вақтини кўпроқ ўтказувчи жой) ва иккиламчи резиденция ажратиб кўрсатилади.

Уй-жой сифатини ўрганишда уйнинг қаватлари, деворларнинг материали, шифтнинг баландлиги, мамшиқ-коммунал қулайликлар (электр токи, газ, сув, ваннахона, телефон ва ҳоказо) билан таъминланганлик даражасига асосан гуруҳлашдан фойдаланилади. Хусусий уй-жой учун унга тегишли бўлган ер майдони кўрсатилади. Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлигини умумлаштириб, тавсифлаш учун белгиланган стандарт талабларига жавоб бермайдиган уй-жойларда яшовчилар сони ва уларнинг аҳоли умумий сонидagi салмоғи ҳамда ҳар бир уй учун тўғри келувчи хоналар сони кўрсаткичлари ҳам қўлланилади. Фарб мамлакатларининг уй-жой билан таъминлаш стандартида бу ҳолда ҳар бир яшовчига битта хона ва яна қўшимча равишда умумий хона тўғри келиши кўзда тутилган.

Аҳолининг узоқ муддат хизмат қилувчи турли жиҳозлар билан таъминланишига келганда эса, халқаро статистикада бундай жиҳозларнинг ҳар 100 та оиллага ёки ҳар 1000 кишига тўғри келиши ҳисобга олинади. Бу автомобиль, музлатгич, совутгич, телевизор, телефон, кир ювиш машинаси, чангютгич ва ҳоказоларга тегишлидир.

Аҳоли озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларининг энг зарур гуруҳлари истеъмол қилишини тавсифлаш жами аҳоли, шунингдек, турли ижтимоий-қасбий гуруҳ аъзоларининг гўшт, сут, балиқ, тухум, нон ва бошқа маҳсулотларни аҳоли жон бошига ўртача йиллик истеъмолини аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Бунда озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда факатгина миқдорга эмас, сифатга ҳам эътибор берилади. Бу мақсадда истеъмол қилинаётган озик-овқат маҳсулотларининг калориялилик даражаси, шунингдек, оксил, углевод ва витаминлар билан таъминланганлик даражаси ҳам ҳисобга олинади. Бироқ халқаро статистика амалиётида бундай кўрсаткичлардан зарур ахборотларнинг етишмаслиги сабабли камдан-кам ҳоллардагина фойдаланилади.

Аҳолининг маданияти ва маълумоти даражасини ўрганиш учун БМТ Статистика қўмитаси қуйидаги бир қатор кўрсаткичларни тавсия этади:

а) саводсизлар сони ва уларнинг “саводлилиқ ёши” дан (бу ёш ҳар бир мамлакат учун муайян шароитлар асосида алоҳида белгиланади) катта ёшдагилар сонидagi салмоғи;

б) мактабга бормаётган мактаб ёшидаги болалар сони;

в) бошланғич ва ўрта мактабларда ўқиётганлар сони ва таркиби;

г) ҳар 100 минг кишига олий ўқув юртлари талабалари сони;

д) ҳар 100 минг кишига кундалиқ газеталар сони;

е) ҳар 100 минг кишига китоблар тиражи сони ва шу каби бошқа кўрсаткичлар.

## 2. Муустақил ишлаш учун саволлар

1. Аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичлари қандай аниқланади?

2. Аҳолининг турмуш тарзи кўрсаткичлари қандай аниқланади?

3. Истеъмол саватчаси қандай аниқланади?

4. Камбағаллик чизиги қандай аниқланади?

5. Аҳолига хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари қандай аниқланади?

6. Турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлар деганда нимани тушунаси?

7. Аҳолининг даромадлари таркиби нималар киради?

8. Номинал иш ҳақи ва номинал даромадлар деганда нимани тушунаси?

9. Истеъмол нархлари индекси нимани ифодалайди?

10. Аҳолининг уй-жой шароитларини тавсифлашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?

1-масала. Ўтган даврда товар ва хизматлар тўплами қиймати ( $\sum P_0 q_0$ ) – 143,5 млн. сўм. Ушбу тўпламнинг жорий даврдаги қиймати ( $\sum P_1 q_0$ ) – 165 млн. сўм.

Масала ечими: Истеъмол баҳолари индексини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$I_p = \frac{\sum P_1 q_0}{\sum P_0 q_0} = \frac{165,0}{143,5} = 1,15 \text{ ёки } 115 \%$$

Демак, жорий даврда истеъмол баҳолари 15 % га ошган.

Айрим товарларни истеъмол қилиш даражаси баҳолар даражаси ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар даражасига боғлиқ. Натижавий белги (у) ва омил белги (х) ўртасидаги боғланишни ўрганиш учун эластиклик коэффициентини (Э) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Э} = \frac{\Delta y}{\Delta x} \cdot \frac{y}{x} = \frac{\Delta y}{y} \cdot \frac{\Delta x}{x}$$

2-масала. Жорий даврда узок муддат фойдаланиладиган товарлар (х) баҳоси ўтган даврга нисбатан 60 % га, уларни сотиб олиш харажатлари (у) эса 50 % га ошди.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар эластиклик коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$\varepsilon = \frac{\Delta y}{\Delta x} \cdot \frac{\Delta x}{x} = \frac{0,50}{0,60} = 0,83 \text{ ёки } 83 \%$$

Демак, товарлар баҳолашнинг 1 % га ошиши натижасида уларни сотиб олиш харажатлари 17 % га (100-83) камайиши кузатилар экан.

### 3. Мисаллар

20.1-масала. Россия Федерацияси аҳолисининг 2010 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари миқдори бўйича тақсимланиши тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар берилган:

	Жами аҳоли сонига нисбатан, % да
Жами аҳоли	100
Шу жумладан	
1 ойда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад, руб	
500 гача	1,4
500,1 – 750	4,1
750,1 – 1000	6,4
1000,1 – 1500	15,7
1500,1 – 2000	15,3
2000,1 – 3000	22,9
3000,1 – 4000	13,7
4000 дан юқори	20,5

Қуйидагиларни аниқланг:

- 1) аҳолининг ўртача даромади миқдори;
  - 2) мода ва медиана;
  - 3) даромадлар дефференцияси Децил ва Джини коэффициентлари.
- Олинган натижаларни таҳлил қилинг ва хулосалар чиқаринг.

20.2-масала. Оилаларнинг ўртача аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадлари тақсимот катори берилган:

	Оилалар сони	
	Млн.	Жамига нисбатан, % да
Жами аҳоли	50,0	100
Шу жумладан: 1 ойда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад бўйича, сўм		
100 гача	0,1	0,2
101 – 200	2,8	5,6
201 – 300	5,4	10,8
301 – 400	7,0	14,0
401 – 500	7,6	15,2
501 – 600	7,3	14,6
601 – 700	6,2	12,4
701 – 800	5,1	10,2
801 – 900	4,1	8,2
900дан юқори	4,4	8,8

Қуйидагиларни аниқланг:

- 1) аҳолийнинг ўртача даромади миқдори;
  - 2) мода ва медиана;
  - 3) даромадлар дефференцияси Децил ва Джини коэффициентлари.
- Олинган натижаларни таҳлил қилинг ва хулосалар чиқаринг.

**20.3-масала.** Жорий даврда вилоятлардаги ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 72450 сўми, ўтган даврда эса 65600 сўми ташкил этди. Шу даврда истеъмол баҳолари 2,19 марта ошди.

Реал иш ҳақи индексини аниқланг.

**20.4-масала.** Баҳо индекси 0,995 ни ташкил этди. Миллий валютанинг тўлов қобилияти қандай ўзгарди?

**20.5-масала.** Жорий даврда ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 350 пул бирлигини ташкил этиб, ўтган даврдагидан 5 % га кўп бўлди. Шу даврда шартли пул бўлагининг тўлов қобилияти 3 % га камайди.

Реал иш ҳақи индексини аниқланг.

**20.6-масала.** 2010 йил учун қуйидаги маълумотлар берилган: товар ва хизматлар баҳосининг ўртача ойлик ўзгариши 1-чорақда – 13 %, 2-чорақда – 17 %, 3-чорақда – 7 % ва 4-чорақда – 10 % ни ташкил этди. Номинал иш ҳақи йил мобайнида икки мартаба ошди.

Қуйидагиларни аниқланг:

- 1) баҳоларнинг ҳар чорақда ва бир йилдаги ўсиши;
- 2) йил мобайнида реал иш ҳақининг ўзгариши.

**20.7-масала.** Қуйидаги маълумотлар берилган:

	Баҳо индекси 2011 й.	Гуруҳнинг умумий ҳаражатлардаги (2011й.) салмоғи (% да)
Товарлар	324	87
Хизматлар	615	13

2011 йил учун умумий баҳо индексини аниқланг.

**20.8-масала.** Мамлакат аҳоли пунктларидан бирида сотилган узоқ муддат хизмат қилувчи товарларнинг сотилган ҳажми тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган:

Товарлар тури	Жорий баҳоларда сотилган товарлар, млн. сўм		Баҳоларнинг ўзгариши, мартаба
	Ўтган давр	Жорий давр	
Компьютерлар	500	800	1,3
Видеомагнитофонлар	240	400	1,5
Музлаткичлар	320	650	1,6
Газ плиталари	250	570	1,35

Шу давр ичида аҳоли сони 1,5 % га кўпайган.

Қуйидагиларни аниқланг:

- 1) узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар қиймат индекси;
- 2) айрим ва барча товарлар физик ҳажм индекслари;
- 3) айрим ва барча товарларнинг аҳоли жон бошига истеъмол индекслари.

**20.9-масала.** Уй хўжалиklarининг бюджет кузатуви ўтказиш натижасида аҳолининг ўтган даврга нисбатан жорий даврда сабзавотлар истеъмоли 2,2 % га ошганлиги, сут маҳсулотлари истеъмоли эса 1,5 % га камайгани аниқланди. Шу давр мобайнида уй хўжалиklarининг даромади 8 % га ошди. Эластиклик коэффициентини аниқланг.

**20.10-масала.** Ўтган давр мобайнида узок муддат хизмат килувчи товарларни сотиб олиш қиймати 11,5 % ни, жон бошига даромадлар ўсиши 105,75 % ни ташкил этди. Эластиклик коэффициентини аниқланг.

**20.11-масала.** Ўтган даврда картошка истеъмоли қилиш бир ойда киши бошига 9,3 кг ни ташкил этди. Бу кўрсаткич жорий даврда 0,75 кг га ошди. 1 кг картошканинг ўтган даврдаги баҳоси 300 сўм бўлиб, жорий даврда 4 % га ошди. Шу давр мобайнида ойлик жон бошига тўғри келувчи даромад 65000 сўмдан 73000 сўмга ортди.

Даромадлар ўзгариши натижасида истеъмолининг эластиклик коэффициентини ҳисобланг.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонувлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. “Давлат статистикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 2002 йил 12 декабр, №441-Ш.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари**

3. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 07.02.2011 й. № ПҚ-1474.
4. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий ва ижтимоий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони.
5. “Баркамол авлод йили” давлат дастурига ишлар чиккиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: ЎзР Президентининг Фармойиши. 2009 йил 9 декабрь. //Халқ сўзи, 2009, № 238, декабрь. – 1 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” Фармони. // Халқ сўзи, 2005, 15 июнь.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меърий ҳужжатлари**

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 290-сонли қарори. –Т., 2008 й. 31 январь.
8. “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8 январь 2003 йил 8-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш ҳақида Низом, 2003 йил 8 январь, 8-сонли Вазирлар Маҳкамасини қарори билан тасдиқланган.
10. Давлат статистикаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори 2002 йил 12 декабрь №442-II.

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

11. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

12. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган: ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

13. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

#### У. Дарсликлар

13. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Проспект, 2010. – 448 стр.

14. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 с.

15. Soatov N.M., Nabiyev X., Nabiyev D., Tillaxo'jayeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: Iqtisodiyot, 2011. – 548 б.

16. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullayev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: Iqtisodiyot, 2011. – 324 б.

17. Экономическая статистика. Учебник. / Под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 736 с.

18. Статистика: Учебник. /Под ред. И.И. Елисеевой. – М.: Высшее образование, 2008. – 566 с.

19. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 б.

#### У. Ўқув қўллаималар

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 377 б.

21. Улитина Е.В. и др. Статистика. Учебное пособие. – М.: Маркет ДС, 2010. – 312 с.

22. Статистика. Практикум. Учебное пособие. /Под ред. В.Н. Салина. – М.: КНОРУС, 2009. – 496 с.

23. Батуева А.Д. и др. Статистика. Учебное пособие. – М.: Экзамен, 2008. – 255 с.

24. Аюбжонов А.Х. “Статистика” фанидан ўқув услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 145 б.

25. Теория статистики. Учебник. Под ред. Р.А.Шмойловой. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 655 с.

### **VII. Статистика тўлавлари маълумотлари**

40. Инвестиция Республика Узбекистан 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 148 с

41. Промышленность Республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 156 с.

42. Сельское хозяйство Узбекистана 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 160 с.

43. Промышленность Республики Узбекистан 2009: Статистический сборник. — Т.: Гос комитет РУ по статистике, 2010, 115 с.

44. Узбекистан в цифрах 2009. Статистический сборник. – Т., 2010, 195 с.

45. Статистический ежегодник регионов Узбекистана, 2009. Статистический сборник. – Т., 2010. – 215 с.

### **VIII. Интернет сайтлари**

46. Давлат статистика кўмитаси ([www.stat.uz](http://www.stat.uz)).

47. [www.rseu.ru/uef/RPDemStat.pdf](http://www.rseu.ru/uef/RPDemStat.pdf)

48. [Society.askold.net/s/cogf.html](http://Society.askold.net/s/cogf.html)

49. [www.scafler.ru/story/stat.phtml](http://www.scafler.ru/story/stat.phtml)

50. [www.murm.ru/-stat/peveris/history.html](http://www.murm.ru/-stat/peveris/history.html)

51. [verstud.navod.ru/kurs.htm](http://verstud.navod.ru/kurs.htm)

52. <http://www.rbcnet.ru>

53. ГУП Институт Микроэкономики при Министерстве

54. Экономики России. "<http://www.imce.ru>"

55. "Norma" 2009.

56. "Pravo" 2009.

57. <http://www.college.ru>

## МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	4
1-мавзу.	“СТАТИСТИКА” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИ..	6
2-мавзу.	СТАТИСТИК КУЗАТИШ УСЛУБИЯТИ.....	7
3-мавзу.	СТАТИСТИК ЖАМЛАШ ВА ГУРУҲЛАШ.....	10
4-мавзу.	СТАТИСТИК ЖАДВАЛ ВА ГРАФИКЛАР.....	19
5-мавзу.	СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР.....	20
6-мавзу.	ЎРТАЧА МИҚДОРЛАР.....	29
7-мавзу.	ВАРИАЦИЯ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	39
8-мавзу.	ТАНЛАМА КУЗАТУВ.....	46
9-мавзу.	РЕГРЕССИОН ВА КОРРЕЛЯЦИОН ТАҲЛИЛ.....	54
10-мавзу.	ДИНАМИКАНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ....	62
11-мавзу.	ИҚТИСОДИЙ ИНДЕКСЛАР.....	67
12-мавзу.	ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ – ИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ УСЛУБИЙ НЕГИЗИ..	76
13-мавзу.	АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ.....	93
14-мавзу.	МЕҲНАТ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ.....	102
15-мавзу.	МИЛЛИЙ БОЙЛИК СТАТИСТИКАСИ.....	114
16-мавзу.	ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ СТАТИСТИКАСИ.....	125
17-мавзу.	МИЛЛИЙ ДАРОМАД ВА МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДАГИ БОШҚА ДАРОМАД КЎРСАТКИЧЛАРИ..	140
18-мавзу.	ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СТАТИСТИКАСИ.....	156
19-мавзу.	МОЛИЯ-КРЕДИТ ТИЗИМИ СТАТИСТИКАСИ.....	162
20-мавзу.	АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ СТАТИСТИКАСИ.....	174
	ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.....	181

Аббос Аюбжонов, Бахтиёр Маматкулов,  
Сиддиқ Сайфуллаев

«Статистика» фанидан амалий машғулотлар ўтказиш  
учун ўқув қўлланма

*"Иқтисодиёт" - 2012.*

*Мухаррир  
Ваҳобова М.М.  
Мусарриф  
Тураева Ф.Б.*

Лицензия АЛ № 089 15.03.2007 й. Теришти берилди 05.05.2012 й. Босишти рухсат этилди  
23.06.2012. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Титез гарнитураси. Офсет муҳри. Офсет қоғози.  
Шартли босма табоғи 10,0. Ҳисоб нашр ваъғи 9,8. Адади 300 нуска. 52-сонли буюртма.  
Баҳоси келишилган нарҳда

Тошкент давлат иқтисодиёт университети босмахонасида босилди 100003.  
Тошкент. Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.

60.61(07) «Статистика» фанидан амалий машғулотлар ўтказиши учун ўқув қўллашма. /Аюбжонов А.Ҳ., Маматқулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н. -Т.: Иқтисодиёт, 2012. -183 б.

1. Аюбжонов А.Ҳ.
2. Маматқулов Б.Х.
3. Сайфуллаев С.Н.

ISBN 978-9943-333-

УДК: 31(07)  
ББК: 60.61(07)



